# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

41 сон

11 — 17 октябр 2007 йил


*Маслаҳатчи—маҳалла таянчи*



# ЮК КЎТАРГАН ЮЗАГА ЧИҚАР

Муяссар опа саҳар туриб, Жонбуви момоникига жўнади. Бир неча кундан буён мазаси қочиб, тўшаклашиб қолган момони тўғри туман марказий касалхонасига олиб борди. Вақтида отини қамчилаган экан. Шифокорлар беморни операция қилмаса бўлмаслигини айтишди.

Муяссар опа иккиланиб ўтирмай даволаш харажатларини ўз бўйнига олди: "Кам таъминланган оила бўлса.. Жўжабирдек жон..." У бундай лаҳзаларда иқтисодий томондан ўғилларига, қолаверса, хўжайинига суянади. Ўғли Ўктамжон ҳам саховатли йигит—йўл қурилиши бўйича хусусий фирма очган. 70 нафар одамни иш билан таъминлади- рўзғорига қарашди. Одамларнинг ишини енгиллатиш учун техникаларини кўпайтирди. Даромадидан "Бойғунди" маҳалласининг 2,5 км. йўлини асфалтлаб берди. Маҳаллада қурилаётган масжидга ҳам шу ўғли ҳомийлик қилаяпти, барака топсин. Маҳалладошлари доим уни дуо қилишгани-қилишган...

Жонбуви момо соғайиб уйга қайтган куни эса маҳаллада тўй бўлиб кетди. Маҳалла маслаҳатчиси Муяссар опа бошчилигида ким нима топса, пишириб момонинг кўнглини сўраб келишди.

- Муяссаргинадан айланай,- дейди момо кўнгли бўшаб кўз ёшини артаркан.- Илгаритдан одамнинг жони эди у. Маслаҳатчи бўлгач ҳам бировнинг қўлига тикан кирса, ўша жойда ҳозиру нозир. Авваламбор "маслаҳатчи" мансабини ўйлаб топганнинг уйи буғдойга тўлсин! Мана шундай одамлар бор экан, муҳтожнинг юки ерда қолмайдида, бўтам.

Қашқадарё вилояти Косон тумани "Бойғунди" маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Муяссар Рўзиева ҳақида бундай эътирофли гапларни кўплардан эшитдик. Унинг ўз ҳисобидан кам таъминланган 26 хонадон аҳлига 5 кг.дан буғдой, кийим-кечак, озиқовқат маҳсулотлари, 12 нафар қарияга биттадан кўйлак тарқатгани ҳақида суюниб, суйиб гапиришди маҳалладагилар. Ҳа, аёлнинг кўнглию, оиласи бутун бўлиши учун Муяссар опанинг доим жони ҳалак.

- Авваламбор, ҳар бир хонадоннинг эшик олди тоза бўлиши керак,- дейди опа жилмайиб. - Озодалик бор жойда ризқу барака, тинчлик, яхши кайфият, табассум бўлади. Бу дегани- оила аҳлининг саломатлиги жойида дегани. Шунинг учун ҳафтанинг шанба кунини "кўча рўйини тозалаш куни" деб эълон қилганмиз. Ҳатто, ораста ва осойишта кўча соҳибларига мукофотларимиз ҳам бор.

Оилани обод қилиб ўтирган хотин-қизларимизнинг ҳар томонлама уқувли ва билимдон бўлишлари учун эса "Оилавий таълим дастури" асосида дарслар ўтамиз. Барчага шу мавзудаги "Ҳаёт учун далиллар" китобини ҳам тарқатганмиз. Тез-тез қишлоқ врачлик пунктларида, мактабларда йиғилишиб, бу ҳақда уларнинг фикрларини эшитамиз, саволларига жавоб берамиз, таклифларини ёзиб олиб, мутасаддиларга етказамиз. "Оилада тиббий маданиятни ошириш", "Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш" ҳақидаги суҳбатларимизни эса шифокор Умидахон Тўраева билан биргаликда ўтказамиз, ҳаётий далиллар билан мисоллар билан аёлларнинг фикрини чархлаймиз. Чунки дунёқараши кенг, уддабурон аёли бўлган оила тинч бўлади, жанжал бўлмайди, фарзандлар қобил бўлиб вояга етади... Жамият ҳам шулардан куч олади-да.

**- Муяссар опа, ўзингизнинг 4 фарзандингиз, 10 нафар набирангиз бор экан. Қолаверса, рўзғор деганининг ҳеч ками тўлмайди. Шу аснода маҳалланинг каму кўстига ҳам қалқон бўлиш- ҳомийлик қилишга доим шайсиз. Сиз буларга қандай эришасиз?**

- Ҳали айтганимдай, ўғлим Ўктамжон тадбиркор, яна бир ўғлим-Ғуломжон муҳандис. Қизларим, келинларим—ўқитувчи. Оила бошлиғи-турмуш ўртоғим-Нормурод ака йўл қурилиши корхонаси етакчиси. Ҳаммамиз ҳам маошимизнинг маълум қисмини муҳтожларга атаб қўямиз. Инсон бу дунёда соғ-саломат яшаб юргани учун ҳам ҳар куни бир пиёла чойини закот қилиши керак. Одам қанча кўп бойлик тўпламасин, ҳеч қачон ками тўлмаган. Бу ҳикмат ҳамманинг юрагига жо бўлишини истардим. Ён-веримизда эса бизнинг кўмагимиз лозим маҳалладошларимиз борлигини унутмаслигимиз жоиз. Бу туйғуни биз—10 фарзандга ота -онам сингдирган бўлсалар, бугун 80 ёшли қайнонам (Манғит момо)-нинг тилларидан шу ўгит тушмайди.

Ўзим Қарши қишлоқ хўжалиги техникумини тугатиб, Гулистон колхозида ҳисобчиликдан иш бошлаганман. 1998 йил оиламизнинг бор маблағини тўплаб, "Истиқлол" ишлаб чиқариш фирмасини ташкил қилдик. Дастлаб 12 нафар одам иш билан таъминланди. Ширкатларга пахта терадиган этак ва хирмон устини ёпадиган брезент тикиб бердик. 2002 йилгача фирмага ўзим бошчилик қилдим. Сўнг уни кенгайтириб, йўл қурилиши таъминоти хусусий корхонасига айлантирдик. Ҳозир ўғлим бу соҳанинг мутахассиси бўлгани учун корхонани бошқариб, кўпларнинг корига яраяпти, олқишини олаяпти. Менинг юмушларимга ҳам доим камарбаста. 2004 йилдан эса маҳалладошлар ишониб, мени маслаҳатчи лавозимига муносиб кўришди. Маҳалламизда 820 оила истиқомат қилади. Ҳар бир оила - битта очилмаган қўриқ, Фуқаролар йиғини раиси Тўйчи Нормўминов билан уларнинг жонига оро киришга ҳаракат қиламиз.

**- Муяссар опа, бир томонда қайнонангиз, бир томонда келинлар Сизга мададкор эканлар. Демак ўзингиз-да ҳам қайнона, ҳам келинлик вазифаларини эплашингиз керак...**

- Албатта... Қайнонамнинг қўлларига келганимда жуда ёш эдим. Улар ҳар томонлама дунёқараши кенг, билимдон ва пазанда аёл бўлганлар. Меҳмон кутиш, дастурхон тузаш маданияти, турли таомларни мазали қилиб тайёрлаш қоидаларини улардан ўрганганман. Ва келинларимни ҳам бу меросдан қўлдан келганча баҳраманд қилаяпман. Қайнонам эса зукко кузатувчилар. Ҳатто чалғиб қолган дамларимда ҳам лом-мим демайдилар-да, кейин секин ўзимга шипшитиб қўядилар. Бу ҳам катта маданият. Уларни ҳаммамиз ҳурмат қиламиз.

* * *

Ҳовлида қўли-қўлига тегмай хизмат қилиб юрган ойдай келинларга ҳавас қиласан киши. Иккаласи ҳам икки шаҳардан ирмоқдек оқиб келиб, Муяссар опанинг жўшқин дарёсига қўшилган. Одоби ҳам қайнонасига қиёс. Камгап ва табассумли... Киройи келининг шундай бўлса, дейсан.

Оила бошлиғи Нормурод ака Ғофуровнинг эса бир кунда икки бор уйга сим қоқиб, онаси, рафиқаси, оиладагиларнинг аҳволи-руҳиятини, камкўстини сўраб туриши, Муяссар опанинг маҳаллага оид ишларида ёрдам бериши жуда ёқимли туюлди. Зеро Оллоҳ ҳам аёлини қўллаган эркакнинг омадини бераркан.

- Маслаҳатчи- каттаю кичик, ишсизу мансабдор, саводсизу олим, қўйингки, барчанинг кўнглини топиб, саволига жавоб бера олиш қувватига эга бўлиши керак,-дейди фуқаролар йиғини бошлиғи Тўйчи ака. - Муяссархон Рўзиева худди шундай аёл. Бирор ташвиши боис йиғлаб келган аёл ҳам унинг хонасидан чеҳраси очилиб чиқади. Тадбирлар ташкил қилишданку чарчай демайди. Бир қарасанг- "Ибратли келин" ва "Ибратли қайнона", бир қарасанг -"Энг яхши оила бошлиғи", "Намунали оила"... кўрик-танловларини уюштириб юради. Хуллас, буларнинг барчасидан мақсад -оиладаги тотувликни мустаҳкамлаш ва ота-она масъулиятини ошириш. Самараси эса ёмон эмас...

**Юк кўтарган юзага чиқар, дейишади. Муяссар Рўзиева ҳам маҳалладошларининг оғирига елка тутган ва бунинг мукофоти-одамларнинг ишончини, меҳрини қозонган инсон! Биз ҳам иззатли маслаҳатчининг кейинги ишларига омад тилаймиз.**

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

# КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

**Ахборот**

Муҳтарам юртбошимиз томонидан маърифат ва адабиётни ривожлантириш, эзгу ғоялар тимсоли бўлмиш адабий меросимизни ёшларга сингдириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ривожига ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Қўмита ташаббуси билан нашр этилган Зулфия мукофоти ва мукофот соҳибалари ҳақида тўлиқ маълумот берувчи "Ҳур ўлка қизлари" китоби, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Гулжамол Асқарованинг "Уйғотувчи алла" номли шеърий тўплами, Гулчеҳра Зокированинг "Ўтмаган кунлар" китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоирлари, юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ижодкор аёллар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, китобни нашр этишга ҳисса қўшган ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар ушбу асарларнинг бадиий савияси юксаклиги, мухлислар дидига мослигини эътироф этдилар. Анжуманда шунингдек, Республикамизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган шоиралар ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

**М. УСМОНОВА**

№ 41 (832) 11 октябр — 17 октябр 2007 йил


**Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир.**

***Ислом Каримов***

**“Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.”**

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 65-моддасининг 2 қисми.***

## Қонун ва биз

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон оила қонунчилигининг асосий тамойилларидан бири - она ва болага ғамхўрликдир. Оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш масалалари фақат Оила кодекси билангина тартибга солинмай, у биринчи галда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчиликнинг барча сохаларида назарда тутилган нормалар воситасида ҳам амалга оширилади. Масалан, Меҳнат кодекси, Пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунларда оналарга Конституция билан берилган ҳуқуқ ва имтиёзлар ўз ифодасини топибгина қолмай, балки бу ҳуқуқ ва имтиёзларни муҳофаза қилиш усуллари ва чоралари ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 14-боб биринчи параграфи аёлларга, оилавий вазифаларини бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатларга бағишланган.

Меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланади.

Аёлларга ўзлари учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкларни кўтариш ва ташишлари ман этилади.

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш таъқиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Аёлларга туғишга қадар 70 календар кун ва туққандан кейин 56 календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда 70 календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллар, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин, ёҳуд болани тарбиялаш таътилидан кейин берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунига қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган нафақа тўланади.

Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади.

Суд амалиётида юқорида белгиланган қонун нормаларининг бузилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Масалан, даъвогар Х.Қосимова судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ва уни ўз вазифасига ишга тиклашини сўраган. Жавобгар Сирдарё туман автокорхонаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 234-моддаси талабини бузган ҳолда у ўз вазифасини давом эттиришга рухсат сўраб ёзган аризасига жавобан унинг ўрнига вақтинчалик ишга қабул қилинган ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугамаганлигини асос қилиб, Х. Қосимованинг аризасини рад этган. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра жавобгарга тўсқинликни бартараф этиш ва даъвогарга хизмат вазифасини давом эттиришга шароит яратиш мажбурияти юклатилиб, даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари суд томонидан тикланди.

Шу билан биргаликда “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимиз хотин-қизларининг аҳволини яхшилашнинг янги имкониятларини белгилаб берди. Бу қонун 1999 йил 17 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида”ги Қарорида назарда тутилган чора-тадбирлар мажмуининг мантиқий давомидир.

Қонун ходим давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим бўлган ишларда камида 20 йиллик иш стажи бўлган аёлларга 54 ёшга тўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини беришни назарда тутади.

Шунга алоҳида эътибор бериш зарурки, 54 ёшида пенсияга чиқиш ҳуқуқи аёлнинг ўз истаги бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. 54 ёшга тўлганлигини асос қилиб кўрсатиб, иш берувчи томонидан аёлларни мажбуран ишдан четлатишга йўл қўйилмайди.

Қонун шунингдек, 3 ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддатини белгиламоқда.

Бундай қоида хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштиради, меҳнат шароитини яхшилайди, болалари билан оилада кўпроқ бўлиш ва уларга эътибор бериш учун қўшимча имкониятлар яратади.

1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, “Меҳрибонлик уй”ларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида 10 йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақланиб қолинади.

Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига солиқ солиш бўйича қўшимча имтиёзлар белгиланиб, уларнинг даромадларига солиқ солиш даражаси 20 фоиздан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, давлатимиз ва унинг раҳбарияти хотин-қизларга катта эътибор қаратмоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Аёлни асраган эр ва эл эса ҳеч қачон кам бўлмас.

**М. АТАХОДЖАЕВА,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари.**

---

**Шарофат Тўхлиева — Самарқанд Давлат университети доценти. У шунингдек, 15 йилдан буён университет хотин-қизлари қўмитаси раиси. Тўрт фарзанднинг онаси, тўрт набиранинг севимли бувижониси.**



# МАҚСАДИМИЗ ЭЗГУ

- Университетимизда ёшларга таълим бераётган, шунингдек таҳсил олаётган хотин-қизларнинг ёшлари ҳар хил, дунёқарашлари турлича бўлгани учун ҳам ҳаммаларига ўзига хос муносабат қилишга тўғри келади. Мақсадимиз эзгу - хотин-қизларнинг умрига, ҳаётига маъно-мазмун бахш этишдир.

Шу ниятда ўқув масканимизда кўплаб тадбирлар, анжуманлар ўтказиб келаяпмиз. Қизлар ўртасида “Инсон одоби билан”, “Соғлигингиз-бойлигингиз”, “Қизлар ҳаёси билан гўзал” сингари қатор суҳбатлар, савол-жавоб кечалари уюштирдик. Иш жараёнида шундай вазиятлар бўладики, уларга индивидуал ёндошишга тўғри келади...

Бир куни хонамга новдадеккина қиз кириб келди. Тўйи бўлганига энди 4 кун бўлган экан. Пахта йиғим-теримига чиқмаганларга маъмурий чора кўрилиши ҳақида огоҳлантирилганлиги учун узоқ туманга ҳашарга борибди. Янги хонадонда эса табиий, норозилик бошланибди. Уни ҳимоя қилиб раҳбариятга мурожаат қилдим. Келинчак ҳашарга боришдан озод бўлди.

Бундан ташқари, Университетимиз қизлари шаънини сақлаш мақсадида айрим жанжалларга қалқон ҳам бўлиб қоламан. Бўлар-бўлмас ғийбат гапларни тарқатувчиларга аёвсиз бўламан. Айниқса ётоқхоналардаги вазиятга жуда қаттиқ эътибор берамиз. Биринчи навбатда тозаликни талаб қиламиз. Сўнг тартиб-интизом, қизларнинг пазандалиги, чеварлиги, одоб-ахлоқини кузатамиз. Ҳатто кўпгина онахону отахонлар олийгоҳимизга келин излаб келиб, номзодларимизни кўргач, хурсанд бўлиб кетишади. Ахир қизларимизнинг бахтли-тахтли бўлиб кетиши бизнинг ҳам бахтимиз-да.

Қизларимиз ўз ҳуқуқларини билишлари ҳаётда жуда муҳимдир. Айниқса, катта ҳаёт бўсағасида турган талабалар қонунларни яхши англаган ҳолда иш тутсалар, улар учун омад эшиклари ланг очилади. Ҳуқуқини билмаган одам эса кўп қоқилади, панд ейди. Ўзи билмаган ҳолда жиноят кўчасига кириб қолади. Шунинг учун вилоят Адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ўқув-семинарлари ташкил қилдик.

Маълумки, қиз боланинг соғлигига ёшлигидан эътибор берилмаса, бунинг заволи 7 пуштига етади. Талабаларнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорлари тўғрисида учрашувлар ўтказишни канда қилмаймиз. Навбатдаги семинар-учрашувда вилоят “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармаси раиси Г.Ҳусанова, вилоят репродуктив марказидан Б.Кенжаев, вилоят онкология диспансеридан онколог М. Раббимова, эндокринология диспансеридан Н.Файзиевалар иштирок этиб, талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Бўқоқ (зоб) касаллигига учраган айрим қизларга вилоят “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси раиси томонидан дори-дармонлар ва керакли консультациялар берилди.

Университет даргоҳига қадам қўйган ҳар бир хотин-қиз нафақат таълим-тарбия, балки маънавий мадад ҳам олиши ва ёнидаги одамга бирор наф келтиришга қодир инсон бўлиши керак-да. Бунинг учун эса таълим масканимизда барча шарт-шароитлар бор. Кам таъминланган оила фарзандлари, ёрдамга муҳтож ишловчиларимизнинг ижтимоий ҳимояси ҳам доим маъмурият ва қўмитамиз эътиборида. 6, 11-сонли меҳрибонлик уйларига тез-тез бориб турамиз ва меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз. Яқинда талабалар иштирокида уларга аталган бадиий кечалар ҳам уюштирдик, спорт оёқ кийимлари ва юмшоқ ўйинчоқлар, ўқув қуроллари совға қилдик. Университетда фаолият олиб бораётган ногирон профессор-ўқитувчилар ва техник ходимларнинг 26 нафари эса ректор буйруғи асосида моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Бу ўқув масканимиз ҳаётидан олинган баъзи мисоллар, холос. Хотин-қизларимиз дунёси, улар амалга ошираётган ишлар, режалар ҳали беҳисоб. Бу йўлда уларга ИЗЛАНИШ, САЛОМАТЛИК ва БИЛИМ доимо йўлдош бўлишини истайман.

**САНОБАР ёзиб олди**

***Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»***

Таҳририят йўлагида баланд бўйли, ғамгин йигит анчадан буён турар, хонага киришга иккиланаётгани сезилиб турарди. Ниҳоят, бир қарорга келди шекилли, эшикни очиб, киришга изн сўради. Сўрашиб, стуллардан бирига ўтирди.

- Исмим Сарвар. Институтда ўқийман. Мен ҳозир милицияхонадан

# БИР ҚИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ...

тўппа-тўғри таҳририятга келаяпман. Ҳали уйга ҳам борганим йўқ. Ота-онамга нима дейишни ҳам билмайман. Бунинг устига институтда ҳам мени милиция олиб кетганлиги ҳақида гап-сўз тарқалибди...

**- Талаба экансиз, милиция аралашадиган қандай иш қилгандингиз?**

- Менимча йигитлик бурчимни бажардим. Очиғи менга тухмат қилишди. Милиция бўлинмасида бор ҳақиқатни ёзиб бердим. Аҳмад ака деган кекса капитан мен билан ўз ўғлидек гаплашди. Ҳайрият, аҳволимни тушунди, кейин тушунтириш хати ёзиб бергандим, қўйиб юборишди. Аслида қилган ишимдан пушаймон эмасман.

**- Ўзи нима қилгандингиз?**

- Тушдан кейин ўқиймиз. Дарсдан чиқиб дўстларим билан гаплашиб, кулишиб келаётгандик. Кайфиятимиз яхши эди. Йўлакдан келаётиб, бир қизнинг қичқирган овозини эшитиб тўхтадик. Дарахтлар орасидан бир йигитнинг сўкингани ва қандайдир қизнинг йиғлаган овози эшитиларди.

Мен ўртоқларимга: “Юринглар, у номард билан гаплашайлик. Қизни бадном қилиб қўймасин”,- дедим. Улар эса: “Э, қўйсанг-чи, нима қиласан аралашиб? Бир гап бўлса бошимиз балога қолади”, - дейишди. Қиз борган сари қаттиқроқ бақирар: “Қўйиб юбор... Ёрдам беринглар...”,- дея бақирарди.

**- Кейин уларнинг олдига бордингизми?**

- Албатта, қизга ёрдам бермасам кейин бир умр ўзимни кечира олмасдим-да. Буни қарангки бақираётган қиз севгилим Маҳфузанинг синглиси Малика экан.

**- Йигит билан муштлашдингизми?**

- Йўқ. Маликани унинг қўлидан бир силтаб чиқариб, жўнатиб юбордим. Сўнг яхшилик билан: “Оғайни, бу нима қилганинг? Унинг ўрнида ўз синглинг бўлганда нима қилган бўлардинг? ”, - дедим. У бўлса: “Сенинг нима ишинг бор, нега ишимга аралашасан?”, - деб менга ташланди. Ўзимни ҳимоя қилмоқчи бўлганимда қўлим унинг башарасига тегиб, бурни қонаб кетди. Шундан сўнг у соткасини олиб: “Ада, тез етиб келинг. Мен институт ёнидаги бекатдаман. Бир аблаҳ менга ташланиб, уриб ташлади”, - дея бақирди.

**- Сиз кетиб қолмадингизми?**

- Нега кетай? Отаси келса ўғлининг бир қизга тегажаклиқ қилганини айтиб бермоқчи эдим. Қочиб кетсам айбдор қилишади, - деб ўйладим. Кўп ўтмай бир қора “Мерседес”да ўша безорининг отаси, орқасидан эса милиция машинаси ҳам етиб келди. Безорининг афти қонга бўялгани учун абгор кўринарди.

Йигитнинг амалдор отаси эса тинмай сўкинар, ўқишдан ҳайдатиб юборишини айтиб, дўқ қиларди. Унга ўғлининг қилмишини тушунтиришга уриниб кўрдим, бўлмади. Милиция ходимлари эса мени машинага судрашарди. Бу можаро бўлаётган пайтда курсдошларимиз атрофимизни ўраб олишди.




Мени машинага чиқаришаётганда кимнингдир: “Вой тавба, бу йигитни яхши, одобли,- деб юрардик. Қип-қизил безори экан-ку! Буни албатта ўқишдан ҳайдаш керак. Анави бечоранинг юз-кўзини қонга белаб ташлабдия...”, - деганини эшитиб қолдим. Ҳам уятдан, ҳам тухматдан аламим келди. Буни қаранг, қилғиликни қилиб қўйган одам жабрдийда бўлиб қолса-ю, ҳаммасига мен айбдор, безори бўлиб кўринсам?

**- Ота-онангиз ҳам билишгандир?**

- Энг ёмони ҳам шу бўлди-да. Бўлимга олиб келишгач телефонимизни ҳам айтгандим. Бекор қилган эканман. Ота-онамга хабар беришди. Улар бирпасда етиб келишди. Кўзимга ҳар доим, қаттиққўл бўлиб кўринган отамнинг аҳволини кўрсангиз эди... Унинг ранги оқариб кетган, қалт-қалт титрарди. “Ўғлим, бу нимаси, сени шу умидда катта қилганмидик? Мени милиция идорасигача келишга мажбур қилдингми ҳали?”, - деганида кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ўзимни оқлашга уринмадим.

**- Ҳақиқат қарор топибди, энди ўқишга борсангиз керак?.**

- Шунга бошим қотган. Аввал уйга борай десам, отамнинг кўзига қандай қарайман? Боя яқин дўстимга қўнғироқ қилгандим. “Агар бугун дарсга келмасанг ҳамма сени қамалиб кетган, деб ўйлашади”,- деди. Маҳфуза бу ҳақда нима дейди? У ҳам мени тушунмаса керак. Қўнғироқ қилгандим, тузукроқ гаплашмади ҳам. Энди эса бошим қотиб қолган. Тушдан сўнг дарсга борсаммикан ёки институтни ташласаммикан нима қилишга ҳам ҳайронман. Ёки аввал уйга бориб айбим бўлмаса ҳам ота-онамдан кечирим сўрасаммикан?

Сарвар жавоб кутгандек менга қаради.

***- Сарвар, сиз мард йигитнинг ишини қилибсиз. Ота-онангиз сиздек мард ўғиллари билан фахрланишлари керак. Тўғри, сиз ҳам ўша куни индамай кетишингиз мумкин эди. Лекин сиз бундай қилмагансиз. Виждонингиз қийналган. Ҳар ҳолда аввал ота-онангизнинг олдига бориб, уларга бўлган воқеани тушунтиринг. Бироқ ўқишдан кетишни ўйламанг.***

***Акс ҳолда ҳамма сизни айбдор деб ўйлайди. Бошингизни баланд тутиб, институтга боринг-да, ўқишингизни давом эттираверинг. Сиз виждонли, ориятли йигит экансиз, мард йигитнинг ишини қилгансиз, бизнинг фикримиз шундай.***

***Азиз мухлис, Сарварнинг иши тўғрими? Сизнингча у қандай йўл тутиши керак эди?***

**ГУЛБАШАКАР**

---

*Мактубларингиздан бири*

# ОРТИҚЧА ХАРАЖАТ— ОРЗУ-ҲАВАСМИ?

Мени анчадан бери ўйлантираётган, эл орасида ясама урфга айланиб бораётган (айниқса тошкентликлар орасида) баъзи одатларимиз тўғрисида сизлар билан мулоҳазалашмоқчиман.

Маълумки, азалдан никоҳ илоҳий, жуфт танлаш, фарзанд кўриб унга яхши исм, яхши таълим-тарбия бериш, камолга етган ўғил-қизни уйлаш, узатиш бу ҳаммаси мусулмончилигимизнинг фарзларидан саналган. Лекин бугунги кунга келиб ўғил уйлантириш, қиз чиқаришдаги урфга айланиб улгурган баъзи “орзу-ҳавас”ларни кўриб беихтиёр ёқа ушлайсан. Ахир бир қизни тарбиялаб, ўқитиб, вояга етказишнинг ўзи бўлмадими? Бунинг машаққати устига уни турмушга беришда борадиган хонадонини мебелу гиламга тўлғазилиши, куёвга бош-оёқ сарпо қилиниши-ю, ҳатто унинг ич кийимигача (узр!) тайёрлаб берилишига нима дейсиз?

Яқинда бир танишим қиз узатди. Эри автоҳалокатга учраб тўрт бола билан бева қолган. Касби ўқитувчи, ишдан кейин икки қизини ёнига олиб бир идорага фаррошликка боради. Болалари тарбияли, одобли бўлиб ўсди. Куни кеча йўлда мени кўриб ҳасратини тўкиб солди, бояқиш:

- Опажон! Шу кунларда кўмирнинг чўғини босиб олган одамга ўхшаб ҳаловатим йўқ. Қудам билан келишишнинг иложиси бўлмади, тўғрироғи биринчи мен сўз очишга истиҳола қилдим. Ҳали тўйда кўтарган қарзларимдан узилганим йўқ, ҳайитга кимдан қарз сўрайман деб жоним ҳалак. Қариндош-уруғлар қараб турмас, бироқ яна қизга, куёвга сарпо қилишни ўйласам бошим оққан томонга қочиб кетгим келяпти. Оталарининг ўрнига менгина қаро ерга кириб ётмайманми...

- Шунча надомат чеккунча қудангизга бориб ҳолингизни айтсангиз бўлади-ку! Бевалик билан бола боқиб, олий маълумотли қилиб берганингиз етмайдими?- дедим.

Тунов куни қизимга, қайнонаси: - Ўғлим сизни севаман деб туриб олмаганида, икки дунёда тул хотиннинг қизини олиб бермасдим. “Келин салом”да онангиз синглимга берган матаҳини қаранг, итнинг тилидай келадиган дастурхон берибди-я. Олинг опа бир кунингизга ярар, кўз очиб кўрган қудангизнинг менга берган совғасини, деб юзимга отди,- деган сўзлар билан қизим бечорани анча мулзам қилибди.

Ўйланиб қоласан киши. Ҳозирги қайноналар бир ҳафталик келинни йўқлаб келишларидан олдин қизнинг отаси ёки акалари юмшоқ мебель ёхуд телевизор олиб беришсин, деган талаб қўйишаяпти.

Яна бир мулоҳаза. Вақти келиб узатилган қиз фарзанд кўради. Агар ўғил туғилса, яна “томоша” бошланади. Суюнчисига куёвга қимматбаҳо тўн кийдирилмоқда. Нима учун аниқроғи қайси хизмати учун (яна бир бор узр) деган савол туғилмайдими?. Шу савол туғилишининг ўзиёқ уятдан бошқа нарса эмас-ку.

Танишимнинг ҳасратидан чанг чиқиб анча гапирди. Қизнинг онаси бешик, кроват, ҳатто бўлажак чақалоқнинг тувагигача олиб берса, ўғил тўйи деб бечора ота-она той ясатса, қизидан тортиб невараси, куёви-ю, қудасигача сарпо ҳозирласа? Бу одатлар кимўзарга беллашадиган, жамиятга ҳеч фойдаси тегмайдиган, ўзлари қўлини совуқ сувга урмай уйида хизматкор ишлатиб, не қиларини билмай ўзича турли одатлар, қоидалар ўйлаб топадиган, эрларининг топган пули эвазига “кўпирган” “хонзода”ларнинг ўй-фикри натижаси эмасмикин?

Бу гаплар бир кишининг дарди эмас. Ҳаромдан ҳазар қилмайдиган, бойликка осонгина эришадиган, ким ўзарга қиз узатиб, ўғил уйлаётганлар кам эмас орамизда. Ҳайит байрами кишилар бир-бири билан дийдорлашадиган, касаллар ҳолидан хабар олиб, ночорларга саховат кўрсатадиган, аразлашганлар ярашиб биродарлик ришталари тикланадиган кун-ку!

Нима учун шундай улуғ кунни орзиқиб, соғиниб кутиш ўрнига ҳайит байрами келишидан азият чекишимиз керак. Бир бурда нону бир коса овқатга тўядиган қорин учун шунча “заҳмат” шартми? Ҳар бир келганга салом бериб эгилган келинчакнинг кўзлари дастурхонга тушганида ота-онасининг ҳолати кўз олдига келмасмикан. Юзи кулгани билан кўнгли, дили йиғламасмикан?

Азизлар! Дўппини ерга қўйиб ўйлайдиган вақт келди, Нега ўз-ўзимизни қийнаймиз, ночорлик билан, норизолик, қарз-қавола билан ёзилган дастурхонда қандай файз, қандай савоб бўлсин. Бойлиги ортиб кетаётган юртдошларимиз эса, бўлар-бўлмас маросимларни ўйлаб топиб юрмасдан, ночорларга, етим-есирларга ҳиммат қилсин. Шоколаддан қўғирчоқ ясатиб, тўшакдай торт пиширтириб ясама мартаба қилгунча, нонуштасига шакар олиб ейишга ўйланаётган ночор оилаларга ёрдам берсин. Кўчадан ким кириб келаркин деб кўзи кўкариб ўтирган ногиронлар ҳолидан хабар олсин.

Ўғил-қиз ҳунар ўрганиб, мустақил ҳаёт остонасига одимлаганидан кейин, келинсалом, чорлар, ҳайит дастурхони, фарзанд кўргач эса ақиқа, бешик тўйи борингки санайверсангиз адоғи йўқ бу маросимлар ота-она зиммасига ортиқча юк бўлиб тушмайдими? Уларга сарфлашадиган харажатлар нотайин ҳавас эмасми? Бир савол қийнайди мени, бу ҳол қачонгача давом этиши мумкин? Қачон болаларимиз бизни ўйлайди, қачон ўз-ўзини бошқарадиган бўлади. Бошқача яшашни ўрганадиган замон келмадими азиз юртдошим! Сиз нима дейсиз?

**Латофат УММАТОВА,**
**Тошкент шаҳри,**
**Сирғали тумани.**

# БАХТИНГИЗНИ ҚАДРЛАНГ




## “Бу оловни қандай ўчирай” - 33-сон

**ЭСЛАТМА: Эрим билан ажрашмоқчи бўлиб юрганимда судда ишлайдиган бир йигит кўп ёрдам берди. Кейинчалик икки болам борлигига қарамай, мени севиб қолганлигини айтди. Мен ҳам уни севиб қолгандим. Аммо кутилмаганда эрим билан ярашиб кетдим. Эрим билан яшаяпману лекин ўша йигитни сира унута олмаяпман. Энди нима қилай?**

**Муаллиф: Нигора.**

Нигора! Сен 26 ёшингда ишқ изтиробига тушиб, “Оила ва жамият”га мактуб ёзибсан. Мен ёши 70 дан ошган инсон мактубингни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Чунки мен ўзимнинг шеърий ва саҳна асарларимда ишқ-муҳаббат мавзусида кўп изтиробли образлар яратганман. Севги олови қандай ўрташини тасаввур қиламан. Тўғри, инсонга ишқ-муҳаббат ёш танламай келиши мумкин. Бу ҳақда кўп ҳақиқатлар, қисса, роман ва достонлар бор. Саҳна асарлари, кинофильмлар яратилган. Инсонга севги-ишқ келиши бу илоҳий бир неъматдир. Гапириш балки осон, лекин бошдан кечириш оғир ва қийин.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур:

**“Ҳабиб, бошдин кеч, агар сенга ишқ керак бўлса,**
**Бу йўлга қўйма аёқ, агар сенга бош керак бўлса”,**

- деб ёзганидек, муҳаббат гирдобига чалинган одам беихтиёр “бошдан кечиши” аниқ. Бу ишқ дардининг маслаҳатчиси ҳам, табиби ҳам йўқ. Битта давоси ВИСОЛ. Лекин висол камдан-кам одамларга насиб қилади. Насиб қилса ҳам не учундир бир фожиа фалокати билан барбод бўлади.

Масалан, Қодирийнинг “Ўтган кунлари”да Отабек Кумушбибига етишганида Зайнаб заҳар бериб, Кумушни ўлдириб қўяди. Ёки Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида Баҳром не-не изтироблар билан Дилоромга етишганида ер ютиб юборади. Булар висол шаробининг лаззатига тўя олмай қолишади. Менинг назаримда “Илоҳий ишқ” кишиларига у дунёда қовушиш тақдири битилган бўлса керак. “Тоҳир ва Зуҳро”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” тақдирлари бизга аён. Уларнинг ишқи илоҳ томонидан берилганлигини Алишер Навоий ҳазратлари “Фарҳод ва Ширин” достонида Хусрав билан Фарҳоднинг диалогида аниқ қилиб ёзган.

“Деди: **Қай чоғдин ўлдинг ишқ аро маст?**
Деди: **Руҳ танга эрмас эди пайваст”.**

Фарҳоднинг жавобини содда қилиб изоҳласак, у: “Аллоҳ менинг ишқимни, танимни бино қилмасдан олдин руҳимда яратиб қўйган эди”, дейди. Яъни ишқ тақдири азалга бориб тақалишига ишора қилади. Уларнинг ишқ савдоси муаммосини фақат ўлим ҳал қилган.

Энди, сендаги ишққа келсак, уни ўткинчи бир мойиллик деб билдим. Бу илоҳий ишқ эмас. “Нега?” деган савол туғилиши табиий. Шунинг учунким, сен Илоҳий ишқ соҳиблари каби ЖУНУН ҳолатига тушиб, эс-ҳушингни йўқотиб қўйганинг йўқ. Баъзан оилаларда бўладиган келишмовчиликлар туфайли эринг билан ажрашиш, судлашиш даражасидаги изтиробларга тушиб қолганингда ёрдам бериб юрган йигитнинг ширин сўзлари, ёрдам беришлари сенда унга нисбатан мойиллик уйғотган. Бу ўткинчи мойиллик, асло Илоҳий ишқ эмас, деб билдим мен. Чунки у йигитда ҳам, сенда ҳам ишқий ЖУНУНЛИК сезилмаган. Лекин эридан ажрашиб, бева қолаётган келишган аёлни қўлдан чиқариб юбормаслик ниятида бўлган ҳаётий нормал йигитнинг ҳаракати аҳлоқ-одоб доирасида таклиф-истак муносабатида бўлган. Унда ҳам ўткинчи мойиллик сезилиб турибди. Сен унинг таклифларини онгли равишда рад қилибсан, фарзандларингни тирик етим қилмасликни ўйлабсан. Эл-юрт, қариндош-уруғлардан ҳам андиша қилаётганлигинг сезилиб турибди. Агар сенда Илоҳий ишқ бўлганида сен аллақачон ҳамма нарсани йиғиштириб, “Жунунлик” хуржунини елкангга ташлаб, йигитнинг остонасига бориб, ётиб олган бўлардинг. Эринг, болаларинг тақдирлари сени мутлақо қизиқтирмас эди. Фақат ўша йигитнинг висолига етишиш орзуси бош мақсад бўлиб қоларди. Лекин Сен у даражага бориб етганинг йўқ. Шунинг ўзи “ишқинг” даражасини кўрсатиб турибди. Сен фақат “мойил талпиниш” даражасида турибсан. Бу ақл-заковатинг кўп нарсаларни “Қалбингнинг олтин тарозуси”да тортиб кўриш имкониятини беради. Менимча, “Қалбингнинг олтин тарозуси”да “мойил талпиниш” билан эзгу ниятларингни тортиб кўрсанг, менимча, албатта ҳаётий эзгу-ниятларинг палласи босиб кетади. Чунки, бир лойқаланиб тиниб қолган сувдай, осойишта мавжуд турмушинг меваси етилиб, пишиб турибди. Оилангни сақлаб қолсанг, ҳадемай унинг тотли меваларидан баҳраманд бўласан. Агар “мойил талпинишинг” тарозуни босиб кетса, менимча “мойил талпиниш”нинг азоб-уқубатлари орасида Илоҳий ишқнинг бир тола ёрқин нури ҳам кўринмаётганга ўхшайди. Қандайдир, мавҳум фожеалар кутаётганга ўхшайди, назаримда.

Мен сенинг “Оила” деган ширин тотли сермева боғнинг бахтли бекаси бўлиб қолишингни истардим.

**Ҳайдар МУҲАММАД,**
**шоир ва драматург.**

Мақолани ўқиб, бефарқ қараб туролмадим. Сизга қандайдир руҳий мадад бериш, юрагингиздаги шайтоний оловни ўчиришга уриниб таскин бериш йўлларини изладим.

Аввало юрагингизга меҳмон бўлган, жиловлаш иложи йўқ, тутқич бермас туйғу (агар у муҳаббат бўлса) билан қутлайман. Камдан-кам одамларда бўладиган ҳолат. Неча-неча инсонлар дунёга келиб-кетади-ю, муҳаббат нелигини билмайди. Бу ноёб туйғу уларга бегона. Эҳтимол шунинг учун ҳиссиз, оламни сув босса тўпиғига чиқмайди. Муҳаббатнинг оташида қовурилган, куйиб-ёнганлар ипакдек майин, истараси иссиқ, кўзлари ёниб туради. Ўзгалар дардига бефарқ эмас, қўлидан келганича жонини фидо қиладиган инсонлар бўлади улар.

Энди сизнинг муаммоларингизга яқинроқ ёндошсак, назаримда ниҳоятда кўҳлик аёлсиз. Мулойим табассумингиз, ширин каломингиз ўзингиздан тўрт ёш кичик йигит қалбига олов солган. Бечора бир қарашда девона бўлган-қуйган. Бундай вазиятда ошиқ кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Фақат сизни ўйлайди. Қандай қилса-ю, сизга ёрдам берса, мушкулингизни осон қилса. Сизнинг жилвангиз, бир қиё боқишингиз етади унга. Бошқа нарса керакмас, яқинроқ борса-ю, кўзи қониқиб таскин топса. Замонавий “Мажнунлар” десаммикан? Бу илмий тилда “платонча” муҳаббат дейилади. Йигитни шунчалар сеҳрлаб қуйгансизки, идрок этишдан оддий фикрлашдан маҳрум ишқий карахт ҳолатда. Хаёлида қандай бўлмасин сизга ёқиш, охир-оқибат ниятига эришиш.

Агар у соғлом фикрлаганда, келажагини ўйлаганда кўриниб турган ҳақиқат: тўрт ёш катта аёл тезда қариб қолади. Бунинг устига икки фарзанди турли муаммолар келтиради. Эҳтимол, муҳаббатнинг кўзи кўр деганлари шумикан?

Инсон вужудида кечаётган бу дайди туйғулар момақалдироқ бўлиб, жала қуйгандан кейин чиққан камалак жилосига ўхшайди. Бир лаҳза ялт-юлт этади-ю, изсиз йўқолади.

Шу ўткинчи ҳисларга жиддий эътибор қилиб, ўзингизни қийнаманг. Оллоҳга шукр қилинг.

Ҳаётингиз бир алғов-далғов бўлиб, энди тиниб-тинчиганингизда худойим яратган шайтоний “фаришталар”ини юбориб синаб кўрибди сизни. Ироденгиз метиндек мустаҳкам экан, “номаъқулчилик” қилмабсиз. Кўнгил поёнсиз дарёга ўхшайди. “Кўнглингизнинг гўзал дурдонаси-ю, гавҳарини ўша сарҳадсиз уммон остига дафн этинг”. У сизнинг мулкингиз бўлиб қолсин. Оллоҳнинг ҳузурига ёруғ юз билан боринг.

Нигора қизим, бошингизга тушган савдо тузалмас касаллик эмас, вақтинчалик руҳий ўзгариш, холос. Ҳар қандай вазиятда ҳам тафаккур тарозуси ғолиб келади. Чуқурроқ ўйлаб мулоҳаза қилинг, атрофингиздаги дугоналарингизни кузатинг. Туриш-турмушингизга ҳавас қилгувчилар топилади. Халқ орасида: “Эринг суйди — элинг суйди” деган мақол бор. Оиланинг мустаҳкамлиги эр муҳаббатидан бўлса, оқила ва доно аёлнинг садоқати боғланган устунни ушлаб туради. Фарзандлар унинг илдизига ўхшайди.

“Турмуш ўртоғим шунчалик меҳрибонки, ҳатто бирга хорижга дам олишга ҳам бориб келдик”, дебсиз. Сизга яна нима керак? Бундан ортиқ бахт йўқ. Бўлмайди ҳам. Тотувликда ўтган ҳар кунингизга шукроналар келтиринг. Дилга Оллоҳни жо қилиб, кўнгилни тўқ қилинг. Бахтингизни қадрланг.

**Ҳикмат МАҲСУМОВ,**
**Тошкент.**

* * *

Нигорахон! Менинг қизим билан тенг экансан. Шу сабабдан сенсираб гап бошлаганим учун мени тушунасан, деб ўйлайман.

Мақолада ёзилишича, аниқ сабаблари айтилмагану, турмуш ўртоғинг билан келишолмай, ажримга ариза беришгача бориб етибсизлар. Кейин эринг кечириб, болалар келажагини ўйлаб ярашибсизлар. Ҳозир жуда яхши, аҳил-иноқ, бекаму кўст яшаяпсизлар экан. Шунинг ўзи энг катта бахт эмасми? Қалбингдаги “олов”га келсак, ишонаман, сен уни бир куни бартараф қила оласан.

Одам истайдими-йўқми, кўнгил гоҳ у, гоҳ бу томонга мойил бўлиб туради. Кўнгил мойиллигига қарши бориб бўлса ҳам, кўриб-билиб турган ҳақиқатни тан олишга куч, ирода топа билиш ҳақиқий мардлик, қалб гўзаллигидир.

Шундай экан, эринг ҳам бир инсон боласи, сен билан яшашга умрини бағишлаган экан, сен ҳам шунга муносиб жавоб қайтара олишинг керак. Тил билан изҳор қилинган севгидан кўра, амалда дил билан муомала, муносабат билан билдирилган садоқатнинг умри узоқроқ бўлади. Сен ҳам бир куни вужудингни қамраб олган ортиқча ҳис-туйғулардан халос бўласан ва тўғри йўл тутганлигингга ишонч ҳосил қиласан.

Ўтмишдаги боболаримиз, момоларимиз ҳаётини бир эслаб кўр. Кўпчиликлари ишқий саргузаштларнинг кўчасидан ҳам ўтишмаган. Ҳатто турмуш қуришгунча бир-бирларини билишмаган. Лекин турмуш давомида бир-бирларига боғланиб, бошқасини тасаввур ҳам қилишмаган. Ҳаётнинг шафқатсиз синовига амал қилиб ёлғиз қолишганда, айриликка дош беролмай руҳан чўкиб, куйиб-ёниб ўтишган. Бу қайси муҳаббат ва садоқатдан кам?

Биз ўша бобо-момоларнинг ворисларимиз. Мен бу айтганларим билан сенга насиҳат бериб, йўлга солиш фикридан йироқман. Ишонаманки, сен айни пайтда кўнглингдаги ўринсиз “туғён”ни енгиб, айтганинг ўша “олов”ни ўчира оласан ва унинг ўрнини садоқат, меҳр эгаллайди. Сенга бахт, омад, хотиржам турмуш тилаб,

**Комил НАЗАР,**
**Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Синглим МАНЗУРАХОН!

Туғилган кунингиз билан чин қалбдан табриклайман. Ҳамиша аёллик нафосатию назокати сизни тарк этмасин.

София



Укажоним ФАХРИДДИН!

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Сизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Яқинларингиз.



Қизим ФАРАНГИЗОЙ!

Таваллуд айёминг муборак бўлсин. Ҳаётинг қувончларга тўлиб, бахтимизга соғ-саломат улғайгин.

Онанг Саодат.



Назира АБДУАЗИЗОВА!

Қутлуғ 63 ёшингиз муборак бўлсин. Доимо соғ-саломат бўлиб юринг. Илм-маърифат йўлида куч-ғайрат тилаймиз.

Шогирдларингиз.



САНЖАР!

Туғилган кунинг билан табриклаймиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ўқишларингда муваффақиятлар тилаймиз.

Яқинларинг.



Ҳурматли АШИМ!

60 ёшинг муборак бўлсин. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингга ҳамиша омад тилаймиз.

Дўстларинг Собир, Раҳима, Оразимбет.

Хўжайли шаҳри.

# ОТАМНИНГ ҲИКОЯЛАРИ

Қиш чилласи, ов қилиш учун қулай фурсат. Тенгдошлар маслаҳатлашиб, кечаси 2⁰⁰да тоққа каклик овига боришга вaъдалашдик.

Кишлогимиз тоққа яқин эди. Чўпон оиласидан бўлганимиз учун илгари тоғда яшардик. Ҳамма кўчирилганлиги сабабли биз пастга—текисликка кўчиб тушдик. Аммо Ботир бобо оиласи билан ҳамон тоғда яшарди.

Биз ярим кечаси Ботир бобоникига кириб бордик. Ботир бобо бўрилар ҳақида жуда кўп гапирди. Бўрилар туфайли улар жабр кўраётганликларини ҳам айтиб ўтдилар.

Ботир бобоникидан чиққанимизда соат тунги 4⁰⁰ эди. Чилтатош, Олмалиқ, Жийдалик, Тошлик деган жойлардан ўтиб, Кўтармага етганимизда қўшни қишлоққа ошувчи қирда бўри увиллай бошлади. Нима қилиш керак? Отиб олишга узоқлик қиларди.




Шунда мен қишлоқ одамлари, ҳатто ҳайвонларга ҳам тақлид қилувчи Ғаффор акага: “Қани бир увилланг-чи”, дедим.

Ғаффор ака худди висолга чорлагандек увиллади. Бўри сукутда қолди. Ғаффор ака яна бир увиллагач бўри шитоб билан биз томонга йўл олди.

Қиш чилласи эмасми, кеча жуда сокин, фақат дарё шовуллаши сукунатни бузарди.

Биз ўзимизни тезда панага олдик. Бўри билан бизнинг орамизда қир, дарё бор эди. Биз ўзимизни ўнглар-ўнгламас, шитирлаган овоз эшитилди. Лекин бўрининг ўзи кўринмасди. Бир нафас ўтар-ўтмас Ғаффор ака увиллаган жойдан ҳансираган овоз эшитилди.

Мен ўқ уздим. Ҳамроҳларим ҳам қўшилишди. Чиллада жуфтини излаган арлон бўрини отиб олдик. Каклик ҳам эсдан чиқиб, уйга қайтдик.

Биз бўрини районга олиб бориб топширдик. Қўйларга қирон келтирган жондорлардан бирини йўқ қилганимиз учун бизга битта қўй мукофот беришди.

Биз каклик гўшти димламаси ўрнига қўй гўшти димламасини тайёрлаб, дўстлар билан тонггача суҳбат қурдик.

**Зулфия САМАДОВА,**
**Тошкент шаҳри,**
**Ҳамза тумани,**
**226-мактаб ўқитувчиси.**

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 21.09.07 йилдаги №10-07-04/12550 сонли ажрими билан, «Тошмуҳандисиншоатқурилиш» Очиқ акциядорлик жамиятининг, **«SUB-TIS» шўъба хўжалик жамиятига нисбатан СТИР: 204574876** банкротлик иши қўзғатилди. Эълон чоп этилган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амур Темур кўчаси, 95-уй, 2-қават, 4-хонада кредиторларнинг эътирозлари қабул қилинади. **ТЕЛ: 135-34-08.** Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2007 йилнинг 8 ноябр куни соат 15:00да юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Белгиланган тартибда топширилмаган корхонанинг юмалоқ муҳри ва бурчак штампи ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Аёл! Бу муътабар сўз замирида олам-олам маъно мужассам. Аёл-бу она, аёл-бу севимли ёр, аёл-бу опа, сингил ёхуд севикли қиз... Турсуной Содиқованинг “Жаннатим онам” номли янги китобини ўқир эканман аёл зотига олтиндан ҳайкал қўйса ҳам камлик қилишини англаб етдим.

Баъзида, кайфиятим ёмон пайтларда, онамнинг саволларига жавоб бергим келмас, лозим бўлганда ҳам қўрслик билан жавоб қайтарар эдим. Бундай хизматлари учун аёл осмонлардан-да баланд мақтовларга лойиқ, унинг қадри бебаҳо.

Осмондаги қуёш заминга нур сочса, ердаги қуёш, яъниким аёл одамлар қалбини ёритиб туради. У нур манбаи.

Онасиз, опа-сингилсиз, аҳли аёлсиз тепангизда ўнта қуёш бўлса-да, қалб қуёшингиз исмайди, баҳорингиз қишга айланиб, боғларингиз хазон бўлади.

# ОНА ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

**Китобингизни ўқидим**

Онамнинг гоҳида тоблари қочганда атрофларида парвона бўла олмасдим. Бошқа дўсту-дугоналарим билан ўтказадиган вақтимнинг чорак қисмини онам билан бирга суҳбат қилишга ажрата олмасдим. Вақтим йўқлигини, ишларим бошимдан ошиб ётганлигини рўкач қилардим. Ушбу китоб менга ҳаёт сабоғини берди. Негаки, шоиранинг ўз хотиралари асосида ёзилган ушбу китобда оналарнинг метиндек иродалари, қуёш нуридан-да қайноқ меҳрлари жўшиб турибди.

Дунёда барча нарсанинг ўлчови бор. Лекин она меҳрининг ўлчови бормикан? У қандай тарози билан ўлчанади? Она меҳри бебаҳо. Унинг ўлчови йўқ, бўлмайди ҳам. Фарзанди учун ёниб-яшаётган она ўзини ўйламайди, туну-кун фарзандим дейди. “Аёл она бўлгач ўзини унутади, ўзини қатордан чиқаради. Ҳатто унинг ўзида ўзи учун жой қолмайди: хаёли боласида, кўзи фақат боласида, уни қидиради, тилида фақат у, дилида фақат у, қўли доим унга нимадир ясайди, оёғи боласининг ташвиши билан у ёқдан-бу ёққа югургани-югурган”. Шундай жонзотни яратган Оллоҳимга беадад шукрлар айтгим келади.

Ушбу китобни ўқир эканман ота-она қадри бебаҳо эканлиги, у бизнинг бебаҳо бойлигимиз, топиб бўлмас гавҳар тошимиз эканлигини англадим.

Ота-она отлиқ гўзал неъматдан баҳраманд қилганига яратганга шукрлар келтирган шоира Т. Содиқова қаламига мансуб ушбу китоб биз фарзандлар учун ўгитномага айланса не ажаб.

Чунки бу китобда онанинг болага бўлган меҳри билан бир қаторда фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, вазифалари баён этилган. Отаонанинг нима сабабдан муқаддас зот эканлиги тўлиқ ва батафсил тушунтириб берилган. Биз ёшлар бу каби китобларни кўпроқ ўқиб, отаоналаримиз қадрига етайлик.

Зеро, “Жаннат оналар оёғи остидадур”. Ҳазрати Аёл — оналаримизни асраб-авайлайлик!

**Гулшан КАРИМОВА,**
**Қарши Давлат университети талабаси.**

**АБДУРАҲМОН** хусусий шифохонасида

ЧАСТНАЯ КЛИНИКА · ХУСУСИЙ КЛИНИКАСИ

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

1. Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
2. Аллергик вазомотор ринитлар.
3. Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
4. Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги “тиқилиш ҳисси” сабаби аниқланмаган йўтал.
5. Лор аъзолари яллиғланиши касалликлари лазер билан даволанади.
6. Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
7. Шалпангқулоқликни, бурунннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ª уй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: “Чилонзор” метроси бекатидан “Собир Раҳимов” метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**

**Чирчиқ шаҳри, 8-микрорайондага 3 хонали уй сотилади. (4-қават).**
**ТЕЛ: 8-370-71-2-25-34**

Торт, пишириқ, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нархда ўргатаман.
**Тел: 170-18-86**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Хонадонингизда кўнгилли воқеалар рўй беради. Яхши инсонлар билан учрашасиз. Қўлингизга катта маблағ тушади.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Унча олис бўлмаган шаҳарга саёҳатга чиқасиз. Ҳафтанинг биринчи ярмида эса сурункали хасталигингизни даволатинг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Буюм харид қилиш учун қулай ҳафта. Қариндошларингиз билан муносабатингизни яхшилашингиз керак.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Мерос масаласига боғлиқ муаммолар билан шуғулланасиз. Ҳамкорларингиз билан шартномалар тузинг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Кўпроқ ижодкор инсонлар билан учрашинг. Ўз сарф-харажатларингизда сал тежамкор бўлишга ҳаракат қилинг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ортиқча вазнингиздан қутулиш учун, парҳез қилишни бошланг. Акс ҳолда соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Тиришқоқлик ва билимингиз билан кўп нарсага эришасиз. Кўп меҳнат қилиш билан бирга дам олиш ҳам зарурлигини унутманг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Саёҳат учун қулай ҳафта. Қўшимча маблағ ишлашингиз учун имконият туғилади. Дўстларингиза кўп ҳам ишонманг.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Озгина таваккал қилсангиз омадингиз келиши мумкин. Раҳбарингизнинг мақтовига сазовор бўласиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Пул масаласи билан боғлиқ ишларингизни бошқа пайтга қолдиринг. Билимингизни ошириш учун вақтингизни аяманг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Жарроҳлик операциясини бошдан кечирасиз. Шунингдек, хорижли дўстлар ҳам ортиради. Дўстларингизга қарз берманг.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).** - Ушбу ҳафта давомида дадиллик билан анчагина режаларингизни амалга оширасиз. Яқинларингиз билан учрашасиз.

# ОЗОРНИНГ ЖАВОБИ БОР

Масжидга келган Навоий Ҳазратлари шошиб, яна уйларига қайтибдилар. Дўстлари бунинг сабабини сўрашса:

- Бир чумоли кийимимга илашиб, мен билан масжидга келиб қолибди. Бечора Ватанидан адашибди-ку, деб уни маконига олиб бораяпман, - дебдилар.

Биз шундай эътиборли, шундай раҳмдил бўла оламизми?

Халқимизда: "Чумолига ҳам озор берма", деган ажойиб нақл юради. "Алифбе" китобимизни яратган устоз муаллим Оқилхон Шарафуддинов: "Ҳатто чумолига ҳам озор бермадим. Шунинг учун улар мени таламадилар..." деган эканлар шогирдларига. Демак, сиз билан биз ҳар бир жонзотга, табиатга, инсонга меҳр бера олсак, уларнинг озорини кўрмас эканмиз.

Бу гапларни эшитиб, фарғоналик Мопила холанинг ҳикоясини эсладим: "Урушдан кейинги йиллар, - деганди Мопила хола, - дадам урушдан келибоқ қассобчилик қила бошладилар. Бизнинг уйимизда гўшт-ёғ мўл, биз болалар яйраб еб-ичамиз. Шу десангиз, қўшнимизнинг мушуги ўрганиб қолиб, бир-икки марта гўштни тортиб кетибди. Аям раҳматлик соддалик қилиб, бор гапни дадамга айтибдилар. Оқибати ёмон бўлишини хаёлларининг кўчасига ҳам келтирмаган эканлар-да. Мен ўшанда олти-етти ёшлардаги қизалоқ эдим.

Бир куни кўчада ўртоқларим билан обдон ўйнаб келиб, сув ичиш учун ошхона остонасига қадам босганимни биламан, шундоқ рўпарада узун бўлиб, бўйнидан боғлаб, шифтга осиб қўйилган мушукка кўзим тушди. "Войй!" деб йиғлаб, орқамга қайтиб чиқдим. Бўйнидан боғланган мушук жониворнинг бўйи шунчалар чўзилиб кетган эдики, ошхонага кирсам, оёқлари нақ бошимга тегиб кетиши мумкин эди. Дағ-дағ титраб турганимни кўриб, аям раҳматлик: "Ҳай, нима бўлди, Мопила қизим, бирон нима чақиб олдими?" деб ёнимга югуриб келдилар. Мен гапиролмай, изиллаб йиғлаганча имо билан ошхонани кўрсатдим. Аям ҳам остонага қадам қўйдилар-у: "Вой, шўрим, вой, дадангнинг қилган иши курсин-а!" - деб ҳолсизланиб, чиқаверишдаги курсига ўтириб қолдилар. Ёқаларига "туф-туф", дедилар "Қўшнимизнинг мушугини осиб қўйибдилар-а. Яқинда туққан эди! Болалари бор эди-я, эмизикли..." - деб роса ачиндилар. Ва шу заҳоти ўрниларидан туриб, гапириб-гапириб юриб, менга сув ичирдилар, бетимга сув сепдилар. "Қўрқма, қўрқма, қизим!" деб бағриларига босдилар...

Орадан йиллар ўтиб, аям тўсатдан вафот этганларида ва биз ҳали йиғлаб ошини ичадиган гўдаклар етим қолганимизда ногоҳ ўша ошхонамиз шифтига осилган мушукни, унинг эмизикли мушукчаларини эсладим. Оҳ, она табиат ўч олди биздан. Мушук болалари каби биз ҳам етим қолдик. Қайтар дунё деганлари шу бўлса керак, деб армон билан йиғладик, ўкинч билан йиғладик...

Ўша пайтларда гўшт сақлайдиган музлатгичлар ҳам йўқ экан-да. Инсон аввало ўзи эҳтиёткор бўлмаса, ўз егулигини ўзи эвлаб асрай олмаса, у тилсиз жониворларда нима гуноҳ?

Ана ўша кундан эътиборан мен бирон жониворга, бирон кимсага озор бермасликка ҳаракат қилиб яшадим..."

## Онажоним



## табиат

Мопила хола ҳикоясини тугатаркан, ёш кетган беозор онасини, етимликда қийналганларини эслаб, чуқур оҳ тортди. Кўз ёшлари дув-дув тўкилди...

Ҳа, жониворларга нисбатан қўпол муомалада бўладиган, урадиган, билиб-билмай уларни ўлдирадиган кимсалар орамизда йўқ эмас. Сутини, қатиғини ичиб туриб, етагига юрмаган молини калтаклайдиган, аёвсиз сўкадиган одамлар наҳот эртанги кунидан қўрқмаса?

Баъзи одамлар ҳатто бир-бирларига озор берадилар. Болаларини йўлга сололмай, уларни аёвсиз калтаклайдиган ота-оналарга нима дейиш мумкин? "Урсанг эти қотади, сўксанг бети", деганларидек, улар фарзандларининг сурбет, бемеҳр бўлишига сабабчи бўлаётганларини, эртанги кунларини ўйламаётганларини тушуниб етсалар эди...

Фарзандларга сўз билан, яшай билиш санъати билан ибрат бўлиш, таъсир ўтказиш мумкин эмасми?

Кунлардан бир куни Ванга исмли шифокор ҳузурига ёши ўтинқираб қолган эр-хотин келишади. Ва ўзларининг оғир хасталикларидан шикоят қилишади. Ванга эркакдан: "Арқон эсингиздами? - деб сўрайди. Ва бир замонлар тарвузини ўғирлаган болани арқон билан аёвсиз урганини эслатади. - "Бағри тошлигингнинг жазосини сен энди тортаяпсан", - дейди...

Айтишларича, онасининг дилига озор берган бир йигит 11 та фарзанд кўради-ю, лекин ҳаммаси болалигидаёқ бирин-кетин вафот этади...

Бир умр афсусланиб, изтироб чекиб яшамаслик учун табиатга, ҳар бир катта-кичик беозор жониворга ва айниқса, инсонга нисбатан меҳр-мурувватли муносабатда бўлмоғимиз зарур экан. "Қилмиш-қидирмиш", деб бекорга айтмаган, доно халқимиз. Озорнинг жавоби жуда қимматга тушаркан...

**Санъат МАҲМУДОВА**

# II. ҚИЗЛАРГА

Ёрингизнинг меҳри сусайиб қолса, бағри қаттиқ бўлса, меҳрингизни болангизга билдиринг. Тунда, тонг чоғи шундай алла айтинг-ки, отанинг юракдаги тошлари эриб кетсин.

* * *

Шингил ҳажвиялар, яхши шеърлар ёхуд ибратли китобларни ўқиганингизда уни умр йўлдошингизга ҳам тавсия этинг. Ўқимагунча қўйманг. Ўзингизга ёққан қўшиқлар, ранглар, яхши кўрган машғулотингизга уни кўниктиринг. Шундай қилсангиз бора-бора бир-бирингизни яхшироқ тушунадиган бўласиз.

## БАХТ

*Насиҳат ўрнида*



## КАЛИТИ

Сиз ошхонанинг хўжайини, меҳмонхонанинг фариштаси бўлинг. Шундай покиза бўлингки, сизга ҳеч кимса ёмон назар билан боқишга журъат этмасин.

* * *

Эскиларнинг, эрнинг нонини емоқ учун темирдан тиш бўлмоғи керак, деган гапи бор. Бу сўзларнинг қанчалик тўғри эканлигини дил-дилингиздан англашни истардим. Сизларга Аллоҳдан ақлу фаросат ва бахт тилайман!

**Абдураҳмон ЖЎРА**

## туш таъбирномаси

# БЕШИК КЎРСА...

Тушлар... Уларнинг сирли олами кимни ўзига жалб қилмаган, дейсиз? Тарих давомида турли халқлар маданиятида тушлар ва уларнинг таъбирига алоҳида эътибор берилган. Бизнинг замонда ҳам уйқуга кетган инсон миясида ва танасида нималар содир бўлиши ва буларнинг бари реал ҳаётга таъсири бор-йўқлиги ҳақида олимлар жуда кўп бош қотиришмоқда. Афсуски, улар аниқ бир хулосага келганлари йўқ.

Тарих саҳифаларини варақласак, Моцартнинг таъкидлашича, у мусиқий асарларнинг мавзусини кўпинча уйқуга кетган вақтида яратар экан. Кимёгар Фридрих Август Кекуле ҳам бензол молекуласи қандай қурилганини илк бор тушида кўриб, сўнг амалда синаб кўрган. Одамзод аслида тушга ишонмайман, дейди-ю, бироқ яхши туш кўрсанг хўп-хўп, ёмон туш кўрсанг-чи? Кун бўйи таъбинг хира бўлиб юришинг аниқ. Ҳар доим ҳам тушларга ишониш керакмикан? Келинг, мен сизларга бир ҳаётий мисол айтиб берай, хулосани эса ўзингиз чиқазсангиз.

Маҳалламизда Зулфия исмли қўли чаққон, ширинсухан аёл яшайди. Ёрдамини ҳеч қачон, ҳеч кимдан аямагани учун эл назарига тушган фариштали аёл саналади. У билан муносабатимиз, борди-келдимиз туғишган опа-сингилларникидан кам эмас.

Қўшни Қуёш қўрғонида эса Зулфиянинг Гули исмли опаси истиқомат қилади. Гули опа бир куни фарзанд кутаётганини айтиб, хурсанд бўлдилар. Сабаби Гули опанинг 14 ёшга кирган ўғлидан бўлак фарзанди йўқ эди. "Зора қиз бўлса", деб умид қилдик ҳаммамиз. Гули опанинг кўзи ёрийдиган вақт яқинлашган сари Зулфия опадан: "Эгачингизнинг кўзи ёришдими?" деб сўрашга эринмайдиган, у эса барчага йўқ, деган жавобни айтишга ахири уяладиган бўлиб қолди. Шундай кунларнинг бирида Зулфия опа бизникига келди-ю, ғамгин оҳангда: "Беҳосият туш кўрдим, энди нима бўлади?" деб қолди. Тушликка уннаётиб, бепарвогина: "Қандай туш эканки, у шунчалар кайфиятингизни йўққа чиқарса?" деб сўраганим ёдимда. Зулфия опа чуқур хўрсинди-да, "Тушимда Гули опам ён қўшнисидан чақалоғига деб бешик сўрабди. Кейин қўшниси рози бўлиб, ҳеч қандай анжомсиз яп-яланғоч бешикни Гулиларникига келтириб берганмиш..." - деб сўзлаб берди. "Вой, шунга шунчами, янга? Нимаси беҳосият экан бу тушнинг? Опангизни ўйлагандирсизки, тушларингизда бешиклар кўраяпсиз. Кейин бешик яхши нарса-ку, балки бу чақалоқнинг дарагидир..." юпатган бўлдим уни.

- Демак, билмас экансиз-да, Наргиз, - яна хўрсиндилар. - Тушда ким бешик кўрса бу ўлимдан дарак. Бундан 10 йилча олдин овсиним Нафиса тушида катта бешик билан ўйинчоқ бешик орасида ўтириб икки қўли билан иккаласини тебратаётганини кўрган экан. Ўшанда у ҳомиладор эди. Орадан 2 ойча вақт ўтиб у қиз туғиб, исмини Шахзода қўйди-ю, бу туши унутилиб кетди. Аммо кўп ўтмай бирин-кетин аввал қайнонамиз, бир неча кундан кейин эса Шахзода тўсатдан вафот этишди... Иш қилиб бу тушнинг охири бахайр бўлсин-да"... - Зулфия опанинг бу туши уни кўп хавотирга солди.

...Бир куни "Оила ва жамият"нинг янги сонини варақлаб туриб, "Туш таъбирномаси" рукни остида "Бешик тобут белгисими?" деб номланган мақолага кўзим тушиб қолди. Уни ўқиб чиқар эканман, Зулфия опанинг гаплари хаёлимда тинмай айланаверарди. Мақоладан маълум бўлишича тушда бешик қучоқлаган келинчак ўнгида чақалоғидан айрилибди. Наҳотки биз ҳам... Йўқ, ўйладим ўзимча, бу шунчаки туш. Унга нималар кирмайди?! Ишқилиб бу мақолани Зулфия опам кўрмасинлар, шусиз ҳам сиқилгани етар". Қайдам?.. "Оила ва жамият"ни севиб ўқийдиган Зулфия опа келиб-келиб шу мақолани ўқимади, дейсизми? Ўқиди. Фақат хавотирини яшириш учун "Бир гап бўлар..." деб қўйди, холос.

Июлнинг 20-саналарида тўсатдан Гули опанинг мазаси қочди. Юраги бежо уриб, қон босими ошгани учун уни дарҳол "Тез ёрдам" машинасида Чирчиқ шаҳридаги туғруқхонага олиб кетишди. Энди нафақат Зулфия опани балки Гули опани таниган барча-барчанинг юзида хавотир акс этарди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан она-бола соғлиғи хавфдан халос этилди, аммо чақалоғимиз барибир туғилишни истамади, шекилли кутиш онлари билан июл ҳам охирлаб, ўлкамизга август ойи ташриф буюрди. Августнинг 3-санасида қизалоғимиз эсон-омон дунё юзини кўрди! Унга бир қарашдаёқ нега бизни шунча куттирганини дарров тушунасиз. Одатда янги туғилган гўдаклар бир парча гўштдек қип-қизил, қош-кўзларининг шакли ҳали ноаниқ бўлса, бу чақалоқни кўрсангиз онасининг қорнидан пардоз-андозини жойига қўйиб тушган, дейсиз: қора қоши қалдирғочнинг қанотидек бежирим, катта-катта кўзларига узун қуюқ киприклари бирам ярашганки! Уни қўлингизга олсангиз ўзингизни гўё қўғирчоқ ушлаб тургандек ҳис қиласиз. Умр йўллари қуёшдек порлоқ бўлсин деб исмини Хуршидабегим деб қўйишди. Зулфия опанинг тушига келсак, уни кўришдан сал аввал Гули опа синглисиникида меҳмон бўлганида: "Болаларинг бешик ёшидан чиқиб, бешигинг бекор ётибди, чақалоғим туғилса менга бериб турасан-а?"-деган экан, буни поччаси эшитиб: "Қўйсангизларчи, битта бешикни узоқдан овора бўлиб кўтариб юрамизми? Бола эсон-омон туғилаверсин, бешик бўлса ўзимиздан ҳам топилиб қолар..." деб бу мавзуга чек қўйгач, Зулфия индамаса-да, кўнглида поччасининг жавобидан хафа бўлибди-ю, кейинчалик ўша тушни кўрган экан. Демак, тушларга ишонавериш ҳар доим ҳам тўғри эмас экан-да. Чунки ҳамма нарсани билгувчи, олдиндан каромат қилгувчи фақат Оллоҳдир, биз бандаларга эса бу нарса таъқиқланган.

**НАРГИЗАБОНУ**

# BOLALAR Burchagi

*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o‘z suvratingiz bilan birga bizga jo‘nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o‘qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog‘ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*



Sohibaxon JUMANAZAROVA. *Xorazm viloyati, Qo‘shko‘pir tumani, 49-maktabning 7 «A» sinf o‘quvchisi.*

**Men o‘tib ketgan bo‘lsa-da, 1-oktabr o‘qituvchilarimiz bayrami bilan Salima opa, Umida opa, Saida opa, Nilufar opa va boshqa o‘qituvchilarimizni tabriklayman. Meni she`r, rasm chizishga undagan oliyhimmat o‘qituvchilarimga hamisha ta`zimdaman. Yaqinda tumanimizda bo‘lib o‘tgan «Zulfiya» qizlari ko‘rik-tanlovida g‘olib chiqdim. Bunda o‘qituvchimiz Umida opaning xizmatlari katta. Maktabimizda shunday jonkuyar o‘qituvchilarimiz borligidan faxrlanaman.**



## MUALLIMIM

*Alifboni tanitgan,*
*Qo‘limga qalam tutgan.*
*Har tongda ochiq chehra,*
*Quyoshday kulib kutgan*

*Ustoz ko‘magingizda,*
*To‘rt yil ulg‘aydim, o‘sdim.*
*Sizga ko‘p bora ta`zim,*
*Birinchi muallimim.*

*Onamdayin mehribonsiz,*
*Otamdayin soyabonsiz.*
*Sizga ko‘p bora ta`zim,*
*Birinchi muallimim.*

Gulshanoy TO‘RABOYEVA.
*Andijon viloyati, Marhamat tumani, 35-maktabning 8 «A» sinf o‘quvchisi.*



Fayoziddin FAYZIYEV.
*Toshkent viloyati, Bo‘ka tumani boshlang‘ich sinf o‘quvchisi.*



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### ҲАР БИР ОДАМ БОШҚАЛАРДАН ФАРҚ ҚИЛАДИМИ?

Одам ўз қариндошларига қайсидир даражада ўхшаса-да, ҳар бир инсоннинг ўзига хос, бошқалардан фарқланиб турадиган жиҳатлари бўлади. Бу фарқ ҳам ташқи кўринишда, яъни соч ва кўзлар ранги ва шаклида, бўйда, тана тузилишида, шунингдек характерда, хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Бундай фарқларга айнан насл генлари сабабчидир. Чунки ҳар бир одамда фақат унинг ўзигагина хос бўлган наслий аломатлар мавжуд бўлади. Бундан ташқари фарқ инсонлар улғаяётган ва яшаётган шарт-шароит ҳамда муҳитга ҳам боғлиқдир.

### ОДАМНИНГ ҲАЙВОНЛАРДАН ФАРҚИ НИМАДА?

Инсон ҳам жонли мавжудот ва у сут эмизувчилар туркумига киради. Шу боис инсонда табиатдаги бошқа жонзотларникига ўхшаш айрим хусусиятлар ҳам учрайди. Аммо одамни бошқа жонзотлардан фарқлаб турадиган нарса унинг онгидир. Бошқача айтганда, табиатдаги ягона онгли мавжудот инсон ҳисобланади. Фақат одамгина ўқиш-ўрганиш жараёнида ўз онги ва ақлини ривожлантириш, ўстириш имкониятига ва хусусиятига эга.



Хатто одамга жуда ўхшаб кетадиган айрим ҳайвонлар, хусусан маймунлар ҳам бундай хусусиятга эга эмаслар. Бундан ташқари мавжудотлар орасида фақатгина инсон гапира олади.

### ИНСОН ТАНАСИ НИМАДАН ТУЗИЛГАН?

Инсон танаси миллионлаб майда заррачалар, яъни тўқималардан ташкил топган. Ҳар тўқима кичик тирик организм бўлиб, у озиқланади, бошқа тўқималар билан муносабатда бўлади, кўпаяди. Бир хил хоссага эга бўлган тилдаги минглаб тўқималар бирлашиб, инсон органларини ташкил этади.

Ҳар бир тўқима **цитоплазма** билан қопланган **ядро**дан иборат бўлиб, ташқаридан **мембрана** билан қопланган. Цитоплазма сув бўлиб, унда оқсиллар, углеводлар ва бошқа озуқа моддаларни эритилган бўлади. Ядрода эса **ДНК** деб номланган модда бўлиб, инсонга хос ва тааллуқли бутун наслий маълумотлар унда сақланади.

### ЯНГИ ИНСОННИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Чақалоқнинг ҳаёти, худди барча сут эмизувчиларда бўлгани каби онанинг қорнида бошланади. Аёл уруғи эркак уруғи билан бирикканда янги организм, яъни янги одамнинг ривожланиш жараёни бошланади. Бу тирик мавжудот тўққиз ой мобайнида онанинг бачадонида ўсади ва ривожланиши тўлиқ онага боғлиқ бўлади. Чунки у мустақил равишда нафас олиш, озиқланиш имкониятига эга бўлмайди. Керакли озуқа ва ҳавони бачадондаги бола онасининг организми орқали олиб туради.

### ҲОМИЛАДОРЛИК НИМА?

Уруғланишдан кейин чақалоқнинг она қорнида ривожланиш даври ҳомиладорлик дейилади. Илк пайтда ҳомила ангишвона катталигида бўлади. У мунтазам ўсиб, ривожланиб боради. Орадан саккиз ҳафта ўтиб, асосий ички аъзолар - юрак, жигар, ўпка шаклланади. Уч ойдан сўнг эса у инсон шаклига киради - бош, қўл, оёқ, тана шакллана бошлайди.

Ҳомиладорликнинг тўққизинчи ойига бориб, у тўлиқ шаклланиб бўлади ва тахминан ярим метрга етади. Ҳомиладорлик чақалоқнинг туғилиши билан ўз якунига етади.

### ҚАЧОН БОЛА ТЕЗ ЎСАДИ?

Бола туғилганидан кейинги дастлабки икки йил ичида жуда тез ўсади. У йилига 15-20 сантиметрга ўсиши мумкин. Шундан кейинги ўн икки ёшгача бўлган даврда эса ўсиш анча сусаяди. 12 ёшга етганда ўғил болаларнинг бўйи ўртача 155, қизларники эса 152 сантиметрга етади. 12 ёшдан кейин яна тез ўсиш даври бошланади ва у 15 ёшгача давом этади. Боланинг бўйи йилига 8-10 сантиметрга ўсади. Шунингдек, тананинг шакли ҳам ўзгаради.

### НЕГА ЭГИЗАКЛАР ТУҒИЛАДИ?

Одатда, аёллар бир марта битта бола туғадилар. Аммо баъзи ҳолларда бирданига иккита, хатто ундан ҳам кўпроқ бола туғилиши мумкин.

Икки хил ҳолатда бундай вазият кузатилади. Биринчи ҳолатда ҳар иккала бола алоҳида-алоҳида уруғдан ривожланган бўлади. Бундай болаларнинг, одатда, бири ўғил, иккинчиси қиз бўлади. Айрим ҳоллардагина улар бир жинсга мансуб бўлиши мумкин холос. Бу болалар бир-бирига ўхшаш бўлиши, ёки турли вақтларда туғилган ака-ука, ёхуд опа-сингиллар каби унчалик ўхшамасликлари ҳам мумкин.

Иккинчи ҳолатда эса битта уруғ иккига



бўлиниб, ундан иккита бола ривожланади. Улар фақат бир жинсга мансуб, ҳамда бир-бирларига икки томчи сувдай ўхшаш бўлишади. Шунинг учун уларни эгизаклар деб аташади.

**ДАРМОН** тайёрлади.

# ОНА ФАРЁДИ

10-синфни тамомлаб, юридик институтга ҳужжат топширдим. Имтихонлардан ўтиб, қабул қилинганлар рўйхатини кўриб турганимда, қўлимдаги китобларим ёнимдаги йигитнинг оёқ остига тушиб кетди. Уларни эгилиб олай деганимда, бошимни йигитнинг бошига уриб олдим. У китобларни олиб, менга берар экан, ундан узр сўрадим.

"Ҳечқиси йўқ, бошингиз оғримаса бўлгани", деди у. Кўзларимиз бир зум тўқнашди... Кейин институтга қабул қилинганлигимиз ҳақидаги белгини кўриб, ихтиёрсиз бир-биримизни қучоқлаб олибмиз. Бирдан ўзимга келиб, бу ишимдан қаттиқ хижолат тортдим. Йигит менга қараб, кулиб турарди. "Синглим, энди институтга кирганимизни ювиб, иккимиз бирор кафега кириб овқатланайлик. Курсдош бўлдик, танишиб оламиз", деди. Рози бўлдим. Унинг исми Саид экан. Мен "Ҳалима", деб ўзимни таништирдим. Жуда бахтиёр эдим. Шу кундан бошлаб, у менга акамдай ғамхўрлик қила бошлади. У самарқандлик, мен янгийўллик бўлганимиз учун ётоқхона олишга ҳаракат қилдик. Менга 2-қаватдан, унга 4-қаватдан хона беришди. Ўқиш бошланишига ҳали вақт бор эди. Биз юртимизга жўнаб кетдик.

Ўқишлар бошланди... 1-курсда бир партада ўтириб, лекция тинглардик, кутубхоналарда ҳам бирга дарс тайёрлардик. Менинг ғамхўрим, суянган дўстим бор эди. Кунлар, ойлар, йиллар ўтиб борарди. Мендан бахтли одам йўқ эди. Биз у билан кинотеатрларга, музейларга, истироҳат боғларига борардик. Дўстлигимиз кучлироқ туйғулар - муҳаббатга айланаётганини сезмасдик. 5-курсни битириш арафасида у менга уйимизга совчи юборишини айтиб қолди. Уйга бориб, унинг таклифини ота-онамга айтдим. Онам: "Сен самарқандлик йигит эмас, холангнинг ўғлига тегасан!" - дея чўрт кесди. "Холанг 5 йилдан буён ўқишинг битишини пойлайди. Халил яхши йигит, сени севади, шундай қилсак, қариндошлик ришталари узилмайди", деди. Онам қайсар, ўз сўзида турадиган аёл эди. Онамга бир нарса дея олмадим. Институтга борганимдан кейин Саидга ҳаммасини тушунтирдим. Саид хафа бўлиб: "Сиз менинг биринчи муҳаббатимсиз, мен сиздан воз кеча олмайман. Мен сизни ҳеч кимга бермайман. Институтни битириб, бирор жойга қочиб кетайлик", деб менга ялина бошлади. Менинг бахтсиз кунларим бошланганди. Саид айтган ишни қила олмасдим. Чунки ота-онам сўзи мен учун қонун эди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Халилдан совчилар келиб, тўй куни белгиланди. Саид билан биз қон-қон йиғлаб видолашдик. На илож, онамнинг гапи-гап эди...

Тўй бўлиб ўтди. Лекин эрим ҳеч ҳам менга ёқмасди. Эрим жуда қўпол, ўта кетган тантиқ, аёлларни худди қулдай кўрадиган, ман-ман йигит эди. Ҳаёт шундай давом этарди. Янгийўлдаги прокуратурага терговчи бўлиб ишга жойлашдим. Менинг ишлашим эримга ёқмасди. "Ишдан бўша, уйда ўтир", деб ҳар куни жанжал қиларди. Ҳомиладор бўлиб қолганимдан кейин уйда ота-онасининг, унинг хизматини қилиб яшадим. Ўғил кўрдик. Ўғлимнинг отини эрим Ботир деб қўйди. Эрим жуда хурсанд эди. Ботир эркатой бўлиб ўсар, отаси унинг ҳамма айтганларини сўзсиз бажарарди. Отаси боланинг тили чиққанда: "Қани, онангни бир сўк-чи", деб унинг сўкишидан фахрланарди. Мен: "Ҳой отаси! Яхшиликка ўргатинг", десам: "Сен, жим тур! Хотин киши нимани ҳам тушунарди", деб ўғлимнинг олдида менга тарсаки қўйиб юборар, боламнинг олдида мени қаттиқ камситарди.



Ўғлим улғайган сари гапимга қулоқ солмайдиган, мени менсимайдиган бўлиб қолди. У 8-синфда ўқиб юрганида қўшнимизнинг боласини уриб, оғиз-бурнини қонатибди. Унинг онаси шикоят қилиб кирганди, эрим аёлни ҳайдаб солди. Ўғлининг зўравонлигидан эса мағрурланиб, уни мақтади. Ўғлимиз 10-синфни битиргандан кейин отаси уни катта пул эвазига институтга киритди. Ўғлим институтда ҳам зўравон, ҳеч кимни назари илмасди. Истаса дарсга кириб, истамаса кирмай юрди. У ерда ўзига ўхшаган дўстлари ҳам топилди. У кечалари дискотекаларга борар, уйга жуда кеч келарди. Мен эса унга ҳеч қандай танбеҳ бера олмасдим. Отаси йигитлик даврида ўйнаб қолсин, деб унга имкон берарди.

Қайнотам, қайнонам оламдан ўтгандан кейин эрим бутунлай ўзгарди. Унинг қилиқларига чидаш қийин эди. Мен энди кераксиз бир буюмга айландим. Эрим икки-уч кунлаб уйга келмас, келса ҳам мен билан иши бўлмай, кийимларини алмаштириб кетар, менинг аҳволим уни қизиқтирмасди.

Бу орада мен нотариус бўлиб ишга кирдим. Ўғлим кечаси маст ҳолда дискотекадан ҳар хил ўртоқларини олиб келарди. Мен кечалари билан уларга овқат тайёрлаб, ухламай чиқардим. Шу вақтларда эримдан бир ҳафта дарак бўлмади. Кейин у автоҳалокатга учраб, қаттиқ жароҳатланиб касалхонада ётгани ҳақида уйимизга хабар келди. У маст ҳолда машинасида бир рус аёли билан кетаётганида "Камаз" машинасига урилгани, рус аёли ўша заҳоти жон бергани, эрим эса жонлантириш бўлимига ётқизилганини айтишди.

Ўғлим уйда йўқлиги сабабли мен кечаси ёлғиз ўзим касалхонага бордим. Эрим жон бераётганди. Унга шу тобда жуда раҳмим келди. Нима бўлганда ҳам, биз 23 йил бирга турмуш қургандик. Мени кўриб, худди узр сўрагандай кўзларидан ёш отилиб кетди ва жон берди...

Эримнинг қариндошлари ёрдамида дафн маросимини ўтказдик. Ўғлимдан эса дарак йўқ эди. Мен азобда фарёд чекар, ўғлимнинг меҳрсизлигидан азобланардим.

Ўғлим ўз курсдошлари билан Самарқанд шаҳрига амалиёт ўтишга кетганини кейин билдим. Хабар бермаганига, мени одам ўрнида кўрмаганига эзилдим. Самарқандда кечаси "дўст"лари билан ароқ ичиб, маст бўлиб муштлашибди. Бир йигитнинг биқинига пичоқ уриб, милицияга тушибди. Унинг ишини прокуратурага оширишибди. У ердан уйга чақирув қоғози юборишибди.

Асабларим бузилган, оғир аҳволда бўлсам-да, Самарқандга боришга мажбур эдим. Автобусда кетаяпману, бутун ҳаётим кино тасмасидай кўз олдимдан ўтарди. Кўз ёшларим бетимни юварди. Аччиқ тақдиримни ўйлаб, юрагим тилимланарди.

Оҳ! Шу пайт не кўз билан кўрайки, рўпарамда менинг биринчи муҳаббатим Саид турарди. У анчагина тўлишган, формаси ўзига ярашганди. Мен уни кўриб, ҳушимдан кетиб қолибман. Тез ёрдам чақириб, мени касалхонанинг жонлантириш бўлимига олиб келишибди. Саид ҳам мен билан касалхонада қолиб, олдимда ўтириб чиқибди. Эртаси куни кўзимни очсам, бошимни силаб, худодан менга мадад тилаб Саидим ўтирарди...

Мени палатага олишди. У олдимда бироз ўтириб, уйидан Ҳалима деган қизини чақиртирди-да, яна келишини айтиб, ишга кетди. Иши тугагач, келиб Халимани уйига юборди-да, ўзи олдимда қолди. У дардларимни сўзсиз тушунарди. Аммо менга қандай мадад беришни билмасди.

Мен касалхонада ётганимда ўғлимнинг суди бўлиб, 10 йил озодликдан маҳрум этилибди. Менинг қийналишимни истамаганлиги учун у ҳақида Саид менга ҳеч нарса айтмаган экан.

20 кун деганда анча даволаниб, касалхонадан чиқдим. Саид хотини билан келиб, мени уйига олиб кетишди. Уларнинг уйидалигимда ўғлим ҳақида айтиб берди ва машинасида ўғлимнинг олдига олиб борди. Ўғлимни кўриб, яна дилим вайрон бўлди. Унга раҳмим келиб, бўзлаганча уни бағримга босмоқчи бўлдим... У эса: "Нега отам келмади? Отам тезда келиб, мени қутқарсин", дея қўпол муомала қилди. Ўзимни зўрға тутиб турардим. Мен унга отаси вафот этганини айтдим. Унинг кўзидан бир томчи ҳам ёш чиқмади. Оҳ ҳам чекмади... Фарзандим ҳам шафқатсизликда отасининг андозаси эди. Юрагимда юк билан касалхонани тарк этдим. Менинг шунча йиллик ҳаётим кулга айланган эди. Билмадим, қолган умримни қандай яшайман?..

**Ҳалиманинг дил изҳорини Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи ёзиб олди.**

Дил изҳори

# ПУШАЙМОНМАН...

Ёшим 21 да. Асли сурхондарёликман. Мен газетанинг ҳар бир сонини қолдирмасдан ўқиб бораман. Нима қилай? Шу газетадан бошқа дарддошим ҳам йўқ-да. Маҳалламиздаги тенгдош дугоналаримни бўлса ота-оналари менга қўшишмайди. Нега дейсизми? Келинг, бошимдан ўтган савдоларни бошидан гапириб берай...

Асли зиёли, баобрў оиланинг суюкли, кенжа фарзанди эдим. Шу боис эркароқ бўлиб ўсдим. Отам нимани истасам шуни муҳайё қиларди. Эҳ, мен кўрнамак қиз бўлсам ана шу ардоқлашларнинг қадрига етмай аҳмоқлик қилдим. Мен оилали, ўзимдан 20 ёш катта бўлган бир эркакни севиб қолдим.

Мен у пайтда эндигина 17 ёшга кирган, ҳали ҳаётнинг, севгининг нималигини билмаган ғўргина қиз эдим. Ўша эркак менга жуда кўп нарсаларни ваъда қилди. Шу пайтларда дунёни унутиб, ўзимни жуда бахтли ҳис қилардим. Унинг нимасига учганимни билмайман. Чунки унда бор давлат бизда уникидан икки баравар кўп бўлса кўп эдики, сира кам эмасди. У мендан ҳеч нарсани аямасди. Бир куни хотинига: "Энди сен ҳам, тўртта фарзандим ҳам керак эмас, мен шу қиз билан яшайман", - деб айтибди.

Хотини жуда сабру бардошли аёл экан. Менинг кимлигимни, эри билан ҳар куни учрашиб юришимни биларди. Катта қизи мен билан тенг эканлигини эркак менга айтганди.

Бирор марта ҳам ота-онамнинг олдига келиб жанжал кўтармади. Бир-икки марта мени кўриб: "Қизим, мен сенга жудаям ачинаман. Ҳали бу ишингдан пушаймон қиласан. Аммо унда кеч бўлади. Сени Худога солдим. Илоё бир умр виждон азобида қийналгин",- деди-да, кетди.

Мен эса унинг ортидан кулиб, мазах қилганимча қолдим. Биз у эркак билан энди очиқчасига учрашардик. Бора-бора бундай ошкора юришларимни ота-онам ҳам пайқаб қолишди. Отамнинг эзилишлари-ю, онамнинг насиҳатлари мени йўлимдан қайтара олмади. Хуллас, тўрт йилгача шу аҳволда юрдик. Бора-бора мен шуни тушундимки, у билан ҳаётимни боғлай олмас эканман. У билан бир йил бирга яшаб унинг менга муносиб эмаслигини англаб етдим. Мен аҳмоқ эса шу эркакни деб оппоқ либос кийишдан ҳам воз кечгандим.

Ота-онам учун бундай ярамас қиз бўлгандан кўра ўлганим минг чандон яхши эди. Лекин қилган бемаъни ишим нафақат отамни, балки ўзимнинг ҳам юзимни қаро қилди. Менга бир дунё ваъдаларни берган эркак ўзи воз кечган оиласига қайтди. Мен эса ижара уйдан қувилдим. Нима қилай? Охири отамнинг уйига кечирим сўраб, йиғлаб келдим. Отажоним, мен юзини қаро қилган отажоним мен бахтиқаро қизини кечирди, бағрига олди.

Кечира олишга қандай қилиб куч топди экан, билмадим. Яхшиямки қўлимда гулдек ҳунарим бор, шу билан ўзимни овутаман. Хатоимни тушуниб, афсус-надоматлар қилаяпман. Агар бу ишим хатолигини тўрт йил аввал тушуниб етганимда, мен ҳам аллақачон бир оиланинг гўзал келинчаги бўлиб юрган бўлармидим? Қани энди бир куни мен ҳам оқ либос кийиб, ўз иззатим билан турмушга чиқсам?

Мен аслида ўзим учун эмас, балки отажоним учун бахтли бўлишни орзу қиламан. Худога шукр, ҳаётимда ҳамма нарсам бут, ҳеч нарсага муҳтож эмасман, лекин кўнглим, бахтим кемтик... Тўрт йил давомида қилган хатоларимни кечира оладиган бир инсон бўлса-ю, отамнинг кўнглига солган ғуборларни ювсам эди, дея армон қиламан.

Истардимки, ҳеч бир қизнинг бошига менинг кўрган-кечирганларим тушмасин. Меҳрибон инсонлар менга ўз маслаҳатларини беришар, деган умиддаман...

**Муҳаббатнинг сўзларини ГУЛБАШАКАР ёзиб олди.**



Маҳбуба хотирасига

# БИР СЕВГИ ҚИССАСИ



Университетни тугатгач, барча курсдошларим ўз ризқини териш ташвишига тушган полапонлардек ҳар томонга тарқалиб кетганига ҳам икки йилдан ошди. Битириш кечамизга бағишланган ресторандаги ўтириш ҳамон эсимда: ичкиликдан бироз сархуш бўлиб олган курсдошлар бир-биримизни қучганча: "Эй дўстим, ҳеч бўлмаса, ойда бир кўришиб турамиза", деган гапларнинг қанчалик хомхаёл эканлигига ҳам кўникиб қолдим. Бу ўтган икки йил ичида кўп нарсалар ўзгарди, курсдошларимнинг кўпчилиги ишга жойлашгач, бирин-кетин оила қуришди. Лекин мен ҳамон ўша-ўша йўнилмаган таёқдек хунук бўйдоқман. Йигирма тўртга кирдим. Очиғи, ўзим асли кимё факультетида ўқиган бўлсам-да, романтиклик "дард"ига йўлиқиб, ёзувчилик орзусида қишлоққа қайтмай, Тошкентда қолганман. Ўзим талабаликда яшаган ётоқхона коменданти билан келишиб, одамтурмас, аслида турли асбоб-ускуналарга мўлжалланган тўртинчи қават йўлаги охиридаги каталакдек хонада тураман, кўпчилик "бакавушка" дейди уни.

Ўша "бакавушка"га аранг битта каравот сиғади. Бош томонимдаги қўлбола этажеркада бир дунё китоб. Ўзим кимёгар бўлсам-да, уларнинг кўпи бадиий асарлар. Дераза раҳи - ҳам овқат ейдиган, ҳам чой ичадиган жой, вақти келса "ёзув столи" вазифасини ҳам ўтайди. На илож, бир томони мусофирчилик,яна бир томони бойнинг ўғли бўлиб туғилмаганим-да.

Бўш қолдим дегунча уйга — ташвишлар макони Фарғонага эмас, атрофи қиру тоғлар билан ўралган Ангренга чопаман. У ерда жонажон дўстим Баҳодир оиласи билан яшайди. Хотини Ўлмасхон ҳам курсдошим, яна бир томондан юртдошим — қўқонлик. Улар мени тушунишади. Бордимми, уч хонали уйнинг бир хонаси меники бўлади, ҳатто ёзиш-чизишимга деб стол-стулларни ҳозирлашиб, стол чироғигача қўйиб беришади. Тошкентда чолғу асбобининг ғилофидек тор хонада турадиган мендек бечорага бундан-да ортиқ яна нима керак? Тағин уларга ёзган-чизган чала-чулпа ҳикояларимни ўқиб берсам, индамай эшитишади, ёзувчи бўлиш ниятимга етишишимга ич-ичларидан ишонишмасалар ҳам ҳар ҳолда юзаки бўлса-да, далда беришади. Бошловчи қаламкашга бундай самимий далдалар зарур эканлигини кейинчалик хўп тушундим. Ҳаётда эса доим акси бўлади. Шундай пайтларда оддий тасаллилар ҳам бир олам қувонч келтиради, худди сен ёзган ва ҳали ҳеч қаерда эълон қилинмаган асарларингга Нобель мукофоти беришганидек...

**Хуллас, ўша борганимда декабр ойининг ўрталари бўлиб, қиш қаттиқ келган йил эди. Ангрен тоғолди шаҳри эмасми, қор ҳам Тошкентдагидан кўп ёғади, совуғи ҳам кучлироқ.** Ишхонамдан таътилдан қолган бир ҳафталик ҳордиғимни олгандим. Баҳодир ва Ўлмасхон билан талабаликдаги эсламаган гапларимиз, телба-тескари қилиқларимиз қолмади. Албатта ўша - мен дўндириб маъруза қилган "муҳаббат мавзуси" ҳам тилга олинди - тили ўткир Ўлмасхон томонидан.

- Нима, Сиз ҳалигачаям сўппайиб юрибсизми? Ўшанда жа ҳаммага ақл бўлгандингиз! Ё осмондаги ойни оласизми? Шу пайтгачаям-а...

- Ахир барча гўзал ва ақлли қизлар сизга ўхшаб эр қуригандек элдан бурун эрга тегиб олишган бўлса... Мен бечора нима қилай?

- Э, бечора бўлмай ўлинг-е! Ҳазилингиз қурсин! Ҳалиям ўша бемазачиликларингиз қолмабди-қолмабди-да!

Уни ҳазил билан енгган бўлсам-да, туриб-туриб бу дунёда фақат менинг ўзим сўққабош юргандек тағин алам қилиб кетади...

Эртасига шанба куни эди. Уйғонгач, стол устида турган Баҳодирнинг докторларникидан-да хунук илонизи хатига кўзим тушди. Зўрға ўқидим. "Биз ишга кетдик. Нимабало, туни билан ҳикоянавислик қилиб ухламадинг чамаси, хонангда чироқ ўчмади. Шунинг учун эрталаб уйғотгим келмади, тўйиб ухлаб ол! Турсанг, газда чойнак, ошхонадаги музлатгичда ҳамма нарса бор, хуллас, ўз уйингдагидек, бемалол... Мен ишдан вақтлироқ келишга ҳаракат қиламан. Бирор гап бўлса, қўнғироқ қиларсан".

Талабаликдан қолган эски касалим - эрталаб томоқдан ҳеч нарса ўтмайди. Секин ишга ўтирдим ва яқинда катта бир газетанинг адабий ходими кўриб у ербу ерига қалам уриб чиқиб "мен айтган жойларини тузатиб, қисқартириб келсангиз, албатта, босамиз", деган ҳажвиямни қўлга олиб, у айтгандек қилишга тиришиб тузатишга тушдим. Бир пайт телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардим.

- Ало-о, бу Ўлмасхон опамларникими? - деди кимдир. Овоз қиз боланики эди. У мендан тасдиқ жавобини эшитгач, "ҳозир" деди овози қалтираганча. Кейин индамай қолди, сўнг элас-элас шўх кулги эшитилди ва алоқа узилиб қолди. Аммо бироз ўтиб телефон яна жиринглади. Овоз бояги қизники эди.

- Ўлмасхон опам уйдамилар?

- Йўқ, ишда эди.

- Сиз Баҳодир акамисиз?

- Йўқ. Ўртоғиман.

- Ия, меҳмонман денг.

- Ҳа. Тошкентдан келганман, - дедим гапни чўзиб у қиз билан пича гаплашиш умидида. - Сиз шу ерликмисиз?

- Нима эди?

- Ангренликларнинг одати қизиқ экан: мен меҳмонга келсаму, улар мени уйга қамаб кетишса, - дедим гапни айлантириб.

- Зерикяпсизми? - сўради қиз. - Мен зериксам китоб ўқийман.

- Сиз ҳам шундай қилинг демоқчимисиз?

- Ҳа-да! Айтмоқчи, ҳозир нима қиляпсиз?

- Сиз билан телефонда гаплашяпман.

- Ундан олдин-чи, демоқчийдим.

- Ростини айтайми? - дедим. Тўғриси нотаниш қизга бир мақтангим келиб кетди.

- Айтинг!

- Мақтанчоқ деб ўйламасангиз...

- Ўйламайман.

- Ёзган ҳикоямни тузатяпман.

- Ия, зўру, ҳали ёзувчиман денг. Чинданми? Чиққанми ҳикояларингиз?

- Ҳа, ёшлар газетасида, бир-иккитаси босилган.

- Берсангиз ўқирдик, - деди у. Кейин дабдурустдан сўраб қолди. - Ёшингиз неччида?

Мен аввалига ростини айтгим келмади ва қаердадир қизлар ҳақида айтилган гаплар эсимга тушиб ҳалиллашдим:

- Биласизми, ўғил болалардан бешта нарса сўралмайди. Биттаси - ёш, - дедим жиддийлашиб. - Баҳодир ва Ўлмасхон опангиз билан тенгдошман.

- Гўшакдан ёқимли қиқирлаш эшитилди.

- Биласизми, мен уларни танимайман. - Бу гапга ҳайрон бўлиб тургандим, қиз шоша-пиша: "Кечирасиз, врач келяпти, уришади. Кейинроқ..." - деди-ю, трубкани қўйиб қўйди.

Нимагадир шу куни нотаниш қизнинг гаплари таъсириданми паришонлигим ошиб, ишга унчалик қўлим бормади. Тузатган сайин бечора қўлёзмалар янада бузилаётгандек олабўжи бўларди. Негадир хаёлим ҳали ўзини кўрмаган майин овоз эгасида эди. Ким бўлди экан у қиз? Баҳодирларни танимаса, нега уларникига қўнғироқ қилди? Нега врач келаяпти деди? Демак, поликлиникадан ёки касалхонадан қўнғироқ қилган. "Кейинроқ" дегани нимаси, яна қўнғироқ қиламан деганими, унда нега телефон ҳамон жим...

Оқшом залда дўстим билан телевизор кўриб ўтирган эдик, Ўлмасхон маъноли кулимсираб кириб келди.

- Ёмонсиз, - деди менга қараб. Кейин тағин жилмайиб гапига изоҳ берди: - Телефон жиринглаганди, олсам ёшгина қизнинг овози, "Салом, ёзувчимисиз?" деса бўладими. Гапирсам, индамай гўшакни қўйиб қўйди. Нима бало, дарҳол бизнинг Ангренда бирортасининг бош-кўзини айлантириб олдингизми дейман?

- Дўстим Ангренга куёв бўлса арзимайдими? - Баҳодир орага гап суқди. - Ёки энди ўзингиз ангренлик бўлиб олиб, Ангрен қизларини қизғаняпсизми?

Кулишдик. Лекин уларга ҳеч нарса демадим. Ҳали ўзим ҳам тузук-қуруқ билмаган қиз ҳақида нима ҳам дейишим мумкин? Шундоқ ҳам улар менинг қизлар масаласида омадсизлигимни яхши билишади. Ёзувчилар фақат қоғоздагина яхши кўришади, деб ҳазиллашишлари ҳам шундан.

Шуларни эсларканман, диванда қизчасини қўлидан қўймай теливизор кўриб ўтирган Баҳодирга "у-бу нарсаларимни тузатаман" дедим-да, ўз хонамга чиқдим. Ишлаш қаёқда. Хаёлим телефонда... бир пайт телефон жиринглаб қолди, чопиб чиқиб гўшакни кўтарганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Ўлмасхон ҳам телфон овозини эшитиб келган экан, қаршимда кулимсираб қараб турарди. Кейин аста нари кетди. У томондан ҳадеганда овоз бўлмади. "Ало-о" дедим секин. Нариги томондан "хайрият-ей, сиз экансиз" деган жавоб эшитилди. Ўша ёқимли ва майин овоз эгаси эди у.

- Боя ҳам қўнғироқ қилганмидингиз?

- ...

- Нега трубкани қўйиб қўйдингиз?

- Қўрқиб кетдим. Мен сиз оласиз деб ўйлабман. Лекин сизни сўрашга уялдим. Ўлмас опам "бу қанақа қиз экан" деб ўйламасин деб...

- Чўчиманг! У яхши аёл, истасангиз таништириб қўяман.

- Кейин...

- Боя касалхонадан қўнғироқ қилгандингизми?

- Вой, қаердан билдингиз?

... Хуллас, шу куни у билан узоқ гаплашдик, телфонда бўлса-да, оз-моз танишиб олдик. Исми Маҳбуба экан. Бу йил мактабни битириб Ангрен педагогика институтининг филология факультетининг инглиз тили гуруҳига ўқишга кирибди. Пахтага чиқишганда тўсатдан касал бўлиб қолибди. Шундан буён шифохонада экан. Шеъриятга, адабиётга меҳри бор экан. Телефонда шеър ҳам ўқиб берди. Кейин "сиз ҳам шеър биласизми" деб сўради.

- Бир қатор биламан, холос, - дедим ҳазиллашиб.

- Айтинг-чи.

- "Мен қўрқаман севиб қолишдан", - дедим шоир мисрасини такрорлаб.

- Ёмон бола экансиз, - у жимиб қолди. Шартта юрак ютиб таваккалига қўчдим.

- Олдингизга борсам майлими?

У анчагача жавоб қилмади. Кейин аста гапирди: - Биринчи шаҳар касалхонаси, тўртинчи қават, жарроҳлик бўлими, - деди-ю трубкани қўйиб қўйди.

Секин залга кирдим. Ўлмасхон яна гап ташлади.

- Ўшами?..

- Ўша... - дедим негадир юрагим бир энтикиб.

- Роса айлантирдингизми? Ё у сизни айлантирдими? Бизнинг номерни қаердан билипти?

- Билмадим. Касалхонадан қўнғироқ қилибди. Тасодифан тушиб қолганми?

- Э, хўжайиннинг поччасининг синглиси Жамила у ерда практикада-ку. Жамила айтган. Унинг шунақа одати бор, кимга бўлса айтиб қўнғироқ қилдиравериди, кейин ўзи гаплашади.

- Ҳамшира қизлар шўх бўлади. Шунга бир мисол айтайми? - суҳбатга Баҳодир аралашди. - Бир аёлнинг эрини қизлар телефонда кечаси икки-уч бор сўрашибди. Шўринг қурғур эр қўй оғзидан чўп олмаган ювош одам экан. Уларни танимайман деб минг айтсам ҳам рашкчи хотини ишонмасмиш. Охир қўшнисига воқеани айтиб, агар бизга телефон қилса, сизга айтаман, дарҳол шаҳар АТС дан қайси номер билан гаплашаётганимизни сўранг, депти. Аниқлашса, қизлар касалхона навбатчилари - ҳамшира қизлар экан. Эртасига бориб ҳаммасининг роса адабини берибди. Ҳатто бош врачдан огоҳлантириш олиб берган экан...

**(Давоми бор)**

**Адҳам ДАМИН**

# КИЙИНИШ ҲАМ МАДАНИЯТ

**Эркак киши жамоат жойларида, турли тадбирларда чиройли кийинган, соч-соқоли қиртишланган, хушбўй атирлар сепилган ҳолда намоён бўлганига нима етсин. Кийим харид қилишда нималарга эътибор бериш керак?**



### ШИМЛАР

Шим танлаганда унинг орқа қисмида иккита чўнтаги, тиздадан пастининг кенглиги эса юқори қисми билан тўғри келишига аҳамият беринг. Буни аниқлаш учун унинг пойчасини тизза қисмига букиб кўриш кифоя. Ҳар икки қисмнинг кенглиги қолипдай мос келиши керак.

Шимнинг узунлиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Унинг пойчаси полдан 0,5-1 сантиметр баланд бўлса кифоя. Шунда у туфлига ҳам чиройли тушади, бирор жойда оёғингизни чалиштириб ўтирганингизда тортилиб қолиб ноқулай ақволга тушмайсиз.

Муҳим жиҳатлардан бири, шим белда камарсиз ҳам яхши туриши керак. Чунки замонавий костюм-шимларда камарга кўпроқ безак воситаси сифатида қаралмокда. Ҳозир сотилаётган барча шимларда камар тақиладиган илмоқлари бор. Шу боис шим белингизда яхши турган бўлса ҳам, унинг рангига мос камар тақиб олинг. Шимнинг бели сал кенгроқ бўлса, асло сотувчиларнинг камар билан яхши туриши ҳақидаги маслаҳатларига қулоқ солманг. Чунки камар таққанингиздан сўнг шимнинг бел қисмида букимлар ҳосил бўлади ва улар атрофдагиларда сизнинг дидингиз ҳақида нохуш тасаввурлар уйғотади.

Ниҳоят, пайпоғингизнинг ранги ҳам шим рангига мос бўлиши керак.

### ПИДЖАК (КОСТЮМ)

Агар сиз ўрта бўйли, бақувват гавдали бўлсангиз, пиджакнинг ўзингизга мос узунлигини аниқлаш қийинчилик туғдирмайди. Бунинг учун гавдани тик тутиб, қўлларингизни мушт қилганча икки ёнга туширасиз. Пиджак муштингиз турган жойдан узун бўлмаслиги лозим.

Бўйингиз ўртачадан узун бўлса, пиджакнинг ҳам одатдагидан узунроғини танлаганингиз маъқул. Паст бўйли эркакларга эса салгина қисқартирилган вариантдаги пиджаклар мос келади.

Пиджакнинг қўл қисми(енги)нинг узунлиги ҳам муҳим деталлардан бири ҳисобланади. Албатта, кўйлакнинг енги ундан 1-1,5 сантиметр чиқиб туриши, кафтлар эса тўлиқ кўриниб туриши керак. Сизга лойиқ пиджакнинг елкалари осилиб ҳам қолмаслиги, тортилиб ҳам турмаслиги керак. Кийиб кўрганингизда бел қисмида тик ёки ётиқ букимлар пайдо бўлса, билингки, бу костюм сизнинг ўлчамингизда эмас.

### ЧЎНТАКЛАР

Мана, ўзингизга мос костюмшимни танлаб олдингиз. Энди уларнинг қайси чўнтагида нима олиб юришни ҳам билиб қўйсангиз, зарар қилмайди.

Пиджакнинг ички чўнтаги одатда ён дафтарча, паспорт, ҳамён каби юпқа ва япалоқ буюмларга мўлжалланган бўлади. Жумладан, ички ўнг чўнтакда ҳужжатларни олиб юриш керак. Замонавий пиджакларнинг чап томонида эса учта ички чўнтак бўлади. Энг юқоридагиси ҳамён учун, унинг ёнидаги ингичка ва узуни ручкага мўлжалланган, пастдагиси эса чўнтак соати учун.

Пиджакнинг кўкрак қисмидаги чўнтакка фақат дастрўмол солиб юрган маъқул. У бурчак шаклида чўнтакдан сал чиқиб туриши, ранги бўйинбоғингизнинг рангига мос бўлиши лозим. Ташқи ён чўнтакларга кўзойнак ғилофи, ташриф қоғозлари қутичасини, кун давомида йиғилиб қоладиган турли кичик-кичик қоғозларни солиб қўйиш мумкин.

Шимнинг ён чўнтаклари тез-тез фойдаланиладиган майда-чуйда буюмларни олиб юришга қулай. Хусусан, уларга калитларингизни солиб қўйишингиз мумкин. Фақат калитларни махсус ғилофчага солиб олишни ёддан чиқарманг. Шундай қилсангиз, биринчидан, улар шимингизни йиртиб юбормайди, иккинчидан, юрганингизда шақирлаб сизни ноқулай аҳволга солмайди. Шимнинг орқа чўнтаклари ҳам борлигини эса мутлақо унутинг. Дидли эркаклар уларга ҳеч нарса солиб юрмайдилар.

### КЎЙЛАК ВА БЎЙИНБОҒ ҲАҚИДА

Жиддий ва муҳим тадбирлар ҳамда учрашувларга кўйлак кийиб, бўйинбоғ тақишингиз зарур бўлса, кўйлакнинг ёқаси костюм ёқасидан 0,5 сантиметр чиқиб туришига эътибор беринг. Узоқ йиллар мобайнида кўйлак ва бўйинбоғ модаси ўзгармай келаётган эди. Аммо сўнгги йилларда бу борада баъзи янгиликлар кўзга ташлана бошлади. Хусусан, кўйлакларнинг ёқаси анча кенгайиб, уларнинг бурчагини тугмачалар билан қадаб қўйишга зарурат қолмади.

### ТУФЛИЛАР

Тагчарми тўғри услубдаги, яъни мокосин, ёки спорт пойафзали шаклидаги ҳар қандай оёқ кийими кўпроқ Fusion услубидаги, ёшларбоп кийимларга мос келади. Одатда, костюм-шим билан анъанавий (классик) услубда тикилган пойафзал кийилади. Дидли, ўз ташқи кўринишига эътиборли эркаклар шуни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмайдилар.

### РАНГЛАР МУТАНОСИБЛИГИ

Шим ва пиджак турли рангда бўлиши мумкин, аммо ҳар доим қуйидаги тавсияларимиз ёдингизда турсин:

➔ Катак ёки бир чизиқли матодан тикилган пиджакка бир хил рангли шим мос келади;

➔ Аксинча, катак ёки бир чизиқли матодан тикилган шим билан эса бир хил рангли пиджак кийилади.






# СОЧ ТЎКИЛСА НЕТАМИЗ?..

**Соч тўкилиши тиббиёт тилида алопеция деб аталади ва мутахассислар уни касаллик сифатида баҳолайдилар. Соч тўкилишини даволаш учун шифокорга мурожаат этиш шартми? Қандай халқона муолажа усуллари бор? Қуйида ана шу саволларга жавоб оласиз.**

Мутахассисларнинг фикрича, сочларимиз танада рўй берадиган қуйидаги ўзгаришларга айниқса сезгир бўларкан:

➔**Руҳий зўриқишлар.** Бундай зўриқишлар қон томирлари, эндокрин тизими фаолиятининг бузилишига, иммунитетнинг пасайишига сабаб бўлади. Маълумки, аёллар жинсий гормонлари–эстрогенлар сочларнинг ўсишига "жавобгар" ҳисобланади, Эркаклар жинсий гормонлари андрогенлар эса тананинг бошқа қисмларида турли мўйларнинг ўсишини таъминлайди. Демак, танада мазкур гормонлар мутаносиблиги бузилса, бошдаги сочлар тўкилиб, танамизнинг бошқа қисмларини жун қоплай бошлайди.

➔**Дармондорилар етишмовчилиги (баъзида эса кўпайиб кетиши) ҳамда микроэлементлар танқислиги.** Масалан, танада А дармондорисининг етишмаслиги(ёки кўпайиб кетиши) сочнинг кўп тўкилишига олиб келади. Шунингдек, алопецияга темир моддаси етишмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

➔**Айрим дориларни узоқ муддат қабул қилиш.** Масалан, сил ёки онкологик касалликларни даволашда ишлатиладиган дорилар таъсирида аста-секин соч томирида заҳарли моддалар тўпланади.

➔**Овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятининг бузилиши.** Қандли диабетга танада углеводлар алмашинуви бузилса, бош териси касаллиги–серобея пайдо бўлади ва сочлар мўртлашиб, тўкила бошлайди, буйрак ва жигар касалликлари, меъёридан ортиқ рентген нурланиши, кимёвий воситалардан заҳарланишга ҳам сочларнинг сезгирлиги юқори бўлиши аниқланган.

Соч тўкилишни даволашга киришишдан олдин касаллик сабабини аниқлаб олиш муҳим. Шу боис шифокорга мурожаат этган маъқул. Аммо ҳамма учун бирдек тўғри келадиган усуллар ҳам бор. Улардан бири бош терисини уқалаш муолажасидир. Бу муолажани алопеция аломатлари буткул йўқолгунга қадар ҳар куни олиб туриш лозим. Бунинг учун бармоқларингиз учини бош терисига қаттиқ босиб, айланма ҳаракатлар билан уқалайсиз. Бутун бош терисини тўлиқ уқалаб бўлгунингизча бармоқларни силжитиб-силжитиб турасиз. Агар муолажада ширин ёки аччиқ қизил қалампир шарбатидан фойдалансангиз, унинг самараси янада ортади. Зеро, қалампирда капсаицин моддаси кўп бўлиб, у қон айланишини, моддалар алмашинувини яхшилашга ёрдам беради. Икки-уч дона қалампирнинг шарбатини сиқиб олиб, 1:2 миқдорда сув билан аралаштиринг. Тайёр бўлган аралашма билан бош терисини ва бармоқларни намлаб, уқалашга киришинг. Муолажани ҳар сафар 5-10 дақиқа давом эттириш, ундан сўнг сочни илиқ сувда ювиб ташлаш керак.

Қуйидаги тавсияларга қатъий амал қилишни маслаҳат берган бўлардик:

➔ Сочингизни калта қилиб олдириб юринг. Чунки узун сочлар мўрт ва ювганда, тараганда тўкилишга мойил бўлади.

➔ Сочингиз турига мос шампун танланг. Шампунни олдин сувда эритиб олиб, сўнг ювиш лозим. Сочни албатта илиқ сувда ювишга, охирида совуқроқ сувда чайиб ташлашга одатланинг. Тери куядиган даражадаги иссиқ сувда ювиш соч илдизларига шикаст етказади.

➔ Ювиб бўлгандан сўнг сочларингизни кескин ҳаракатларсиз артинг. Яхшиси, сочнинг намини юмшоқ сочиққа шимдириб олган маъқул.

➔ Имкон қадар фендан фойдаланманг. Иссиқ ҳаво оқими терини қуруқлаштириб, сочни мўрт ва синувчан қилиб қўяди.

**Халқона усуллар:**

**1.** Қичитқи ўтнинг қуритилган баргидан 3 ош қошиқ олиб, бир стакан сув ва шунча ошхона уксуси қўшиб, паст оловда ярим соат қайнатинг. Ҳар куни кечқурун сочни мана шундай қайнатма билан ювиш лозим.

**2.** Қичитқи ўтнинг янги узилган баргларини яхшилаб ювиб, қуригач гўшт қиймалагичдан ўтказинг. Қийманинг устига 1:10 миқдорида арок қуйиб, оғзи маҳкамлаб ёпиладиган идишда бир ҳафта тиндириб қўйинг. Сўнг сузиб олиб, ҳафтасига икки-уч марта бош терисига суртиб туриш керак.

**3.** Бир ош қошиқ қичитқи ўт устига 2 стакан қайноқ сув қуйиб, яна 10 дақиқа қайнатинг. Кейин сузиб олиб совутинг. Мана шу қайнатмадан ҳар куни тўрт маҳал овқатланишдан олдин ярим стакандан ичиб туриш тавсия этилади.

**4.** Бир ош қошиқ асалга бир ош қошиқ алоэ ва 1 чой қошиқ саримсоқ пиёз шарбатини аралаштиринг(аралашмадан кўпроқ тайёрлаб музлаткичда сақлаш мумкин). Аралашмадан бир ош қошиқ олиб, унга тухум сариғи қўшиб, бош терисига суртинг. Бошни 20 дақиқа юмшоқ сочиқ билан ўраб ўтириш керак. Сўнг сочларни розмарин дамламасида чайиб ташлаш лозим.

**5.** Бир ош қошиқдан зайтун ёғи ва коньяк олиб, тухум сариғи билан аралаштиринг. Аралашмани сочга илдизидан бошлаб, бутун узунлиги бўйича суртиб чиқинг ва сочиқ билан бошингизни ўраб олинг. Ярим соатдан сўнг сочингизни шампун билан ювиб ташланг.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# ЮРАКНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Юрак-томир касаллиги билан оғриган беморларда об-ҳаво ўзгаришидан бир неча соат олдин бош оғрий бошлайди, уйқуга мойиллик кучаяди ёки аксинча, ташқи ўзгаришларга таъсирчанлик даражаси ошиб, сабабсиз ваҳима бошланади.

Кўп ҳолларда қоннинг диастологик деб юритиладиган пастки босими ошади ва систологик дейиладиган юқори босими билан фарқи камаяди. Бундай ҳолатларда 20-25 мм.гача қисқаради. Ваҳоланки, қон босими меъёрда бўлганда пульс босими деб номланадиган бу фарқ 40 мм.ни ташкил этади (масалан, қон босими 110 га 70 бўлганда). Айнан у (тонуснинг ошиши) бош ва юракда оғриқни вужудга келтиради.

Мушаклар тонуси ошишининг олдини олишда бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Кимлардир хушбўй ёки тоғ қизилчасидан тайёрланган тузли ваннадан енгил тортса, кимларгадир чалғитувчи терапия сифатида бичиш-тикиш, тўқиш, ясаш каби қўл ишлари ёрдам беради.

Енгил (ички) кийимда югуриш, ҳовузда чўмилиш, меъёрдаги жисмоний ҳаракат қон-томир касалликларининг олдини олишда энг яхши воситалардан ҳисобланади.

Бундай касалликнинг олдини олувчи воситалар орасида югуришга тенг келадигани йўқ. Айнан югуриш натижасида қон томирларининг деворлари фаол уқаланади. Инсон югураётганида танаси юқорига қараб, қон эса пастга қараб ҳаракатланади. Танаси ер томон интилганда қон юқорига қараб ҳаракатланади. Томир ичидаги қон толаларининг шу тарзда бир неча бор алмашинуви уларнинг ички ишқаланишини келтириб чиқаради ва бу томир деворлари мустаҳкамланишини таъминлайди. Югуриш билан мунтазам шуғулланиш 2-2,5 ойдан сўнг ўз натижасини бера бошлайди.

Қишда чанғи ва коньки учиш ёрдам беради. Гимнастика, айниқса, ритмопластик гимнастика (масалан, олдин бир оёқни, кейин иккинчи оёқни кўтариш) организмга ижобий таъсир этади. Ёзда унинг ўрнига ўриш ишлари билан шуғулланиш мумкин.

Тана қисмларини, масалан, юзни, пешонани, бўйинни, елкани кафт билан силаш (ўзини ўзи) ҳам оғриқни олишда яхши усуллардан ҳисобланади. Бошдан совуқ сув қуйиш, сочма сув (душ)да ювиниш каби сувли амалиёт ҳам яхши натижа беради.

Организмнинг табиатдаги геофизик ўзгаришларга таъсирчанлигини шифобахш ўсимликлар ёрдамида ҳам камайтириш мумкин. Масалан, магнит тўфони арафасида ва пайтида қизил дўлана, валериана илдизи, сариқ қашқарбеда гули, жасмин, арслонқуйруқ, тоғрайҳон, тоғжамбил ва ялпиз аралашмасидан тайёрланган дамлама ичиш тавсия этилади. Лимонўт дамламаси ҳам организмга яхши ёрдам беради.

Арслонқуйруқдан дамлама тайёрлаш учун бир қошиқ хомашё бир стакан қайнатилган илиқ сувга солинади, сўнг 8 соат (тун бўйи) тиндирилади ва ҳар куни овқатдан бир соат олдин чорак стакандан уч-тўрт маҳал ичилади.

Уй шароитида тайёрланган ва самарасига кўра, машҳур Биттнер бальзамидан қолишмайдиган шифобахш бальзам ҳам яхши восита ҳисобланади. Бу бальзамни тайёрлаш учун 2 ош қошиқ дўлана гули ва 4 ош қошиқ меваси, 3 ош қошиқдан валериана илдизи, ёнғоқ ичидаги тўсиқ-деворча ва асрлонқуйруқ, 2 ош қошиқ қизилмия ва 1 ош қошиқдан тоғрайҳон, тоғжамбил, мойчечак, лимонўт, қашқарбеда ва жасмин ҳамда 1 чой қошиқ шувоқ (эрмон) олинади ва ҳаммаси аралаштирилиб, қопқоғи бураладиган шиша идишга солинади, унга 0,5 литр кагорга ўхшаш шифобахш вино ёки мадер қуйилади ва сувга солиб, 30 дақиқа тиндирилади. Бальзам тайёр бўлгач, ҳар куни овқатдан олдин 2 чой қошиқдан 2-3 маҳал ичилади. Бу қон босими ошган ва қони камайиб кетган беморлар учун тенги йўқ дори ҳисобланади.

Агар юқорида келтирилган шифобахш ўсимликлар тўплами тўлиқ бўлмаса, дорихоналарда сотиладиган тайёр дамламалардан ҳам фойдаланиш мумкин: дўлана, арслонқуйруқ ва валериана дамламаларини олиб, идишга уларнинг ҳар биридан 15 томчидан томизилади ва аралаштириб ичилади. Устидан ялпиз чойини ичиш лозим.



***Аксарият одамлар об-ҳавонинг ўзгаришига таъсирчан бўлади. Ҳар қандай геофизик, шунингдек, ҳарорат ва шамол йўналишидаги ёки ҳаво босимидаги ўзгаришлар улар саломатлигига таъсир этади. Бу мушак ва қон томирлари тонуси меъёри бузилган (томир дистонияси), қон босими ошган (гипертония) ёки камайган (гипотония) ҳамда қони камайиб кетган (ишемия) беморларда дарҳол сезилади ва оғир кечади.***

## Табобат нома

# УЙДА ДАВОЛАНИШ

➔ Меъда (ошқозон) ярасини даволашда асалари елими (прополис)дан спирт аралаштириб тайёрланган дамлама яхши восита ҳисобланади. Бунинг учун 80г. асалари елими ва 1 литр спирт олинади. Дамламани тайёрлашдан олдин асалари елимини 2 соатлар атрофида музлатгичда сақлаш керак, сўнг уни қирғичдан ўтказиб, спирт билан аралаштириш ва 10 кун салқин қоронғу жойда тиндириш керак. Спирт ўрнига сариёғ ҳам ишлатиш мумкин. Бунинг учун 0,5 кг. сариёғ олинади ва кастрюлкага солиб, қайнагунча қизитилади. Агар зардоб чиқса, олиб ташланади ва қизиб турган сариёққа асалари елими солиниб аралаштирилади. Нимадан тайёрланганидан қатъи назар, дамлама ҳар куни овқатдан олдин бир қошиқдан икки маҳал ичилади.

➔ Қулоқ оғриганда ёронгул (герань) барги қувурча шаклида ўралади ва оғриган қулоққа қўйилади. Уни қўйишдан олдин қулоққа борат кислотали спирт (борная кислота) томизилади.

➔ Тананинг сон қисмидаги асаб толалари шамоллаганда арслонқуйруқ (пустирник)дан тайёрланган таблетка ичиш керак. Ҳар куни 1 таблеткадан 2 маҳал ичиш лозим. Кечаси оёққа арслонқуйруқ дамламасини асаб йўналиши бўйича суртиш ва иссиқ мато (шарф) билан ўраш керак. Даволаниш курси - 1 ой.

➔ Бавосил касаллигидан халос бўлиш учун қуйидаги таркибда тайёрланган суртмадан фойдаланиш керак: 1 ош қошиқ юмшоқ сариёғ 1 чой қошиқ камфора ёки қуруқ камфора ва 1 чой қошиқ стрептоцид ёки синтомицин суртмаси олиниб, яхшилаб аралаштирилади. Кечаси орқа чиқарув йўлига ушбу суртмадан суртилган чаканда (облепиха) шамлари, ташқи бавосил тугунларига эса мазкур суртма суртилган боғлама (повязка) қўйилади. Буни бошлашдан олдин мойчечак қайнатмаси ва оч пушти рангли марганцовка эритмаси солинган илиқ сувда бироз ўтириш лозим. Агар имкон бўлса, бундай ваннани эрталаб ҳам қилса яна ҳам яхши. Даволаниш курси - 10 кун.

➔ Кучли йўталдан халос қилувчи восита қуйидагича тайёрланади: 250гр. алоэ шираси, 250гр. асал ва 300 гр. қуруқ қизил вино (уйда тайёрланган бўлса, яна ҳам яхши) олинади ва яхшилаб аралаштирилади. Ҳар куни овқатдан 15 минут олдин 1 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Уни совутгичнинг қуйи токчасида сақлаш керак.

➔ Ташқи таъсир натижасидаги руҳий зўриқиш (стресс)дан тезда кутулиш учун лимоннинг ярмидан олинган шарбат ёки 0,5 чой қошиқ лимон қайнатилган илиқ сувни бир кўтаришда ичиш керак.

➔ Бўғинлардаги оғриқни олиш учун қалампир дамламасидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун уйда етиштирилган 10 дона аччиқ ёки 5 дона чўзинчоқ мевали қалампир олинади. Улар бир идишга солиниб, икки шиша (флакон) ва валерьянка дамламаси (дорихоналарда бор) ва 0,5 л. арок қуйилади. 10 кун иликрок қоронғу жойда тиндирилади. Оғриётган жойлар заруриятга қараб ушбу аралашма билан артилади.

➔ Бачадондаги эрозияни даволаш учун аччиқтош эритмаси асосида тайёрланган турли таркибларни пуркаш керак. Аччиқтош эритмаси қуйидагича тайёрланади: 1 ош қошиқ аччиқтош 0,5 л. сувга солиниб эритилади. Даволанишнинг дастлабки 3 кунида пуркаш учун восита қуйидаги таркибда тайёрланади: 1 ош қошиқ аччиқтош эритмаси 2 ош қошиқ кучсиз марганцовка эритмаси билан аралаштирилади. Кейинги 3 кунда бир стакан аччиқтош эритмаси озроқ миқдордаги кучсиз мойчечак эритмаси билан аралаштирилади. Сўнгги 3 кунда бир стакан аччиқтош эритмаси эман (дуб) пўстлоғидан тайёрланган кучсизроқ эритма билан аралаштирилади.

➔ Сут (кўкрак)бези оғриган бемор кўкрагига асалари елимидан ёки ўсимлик ёғи билан аралаштирилиб бўтқа ҳолига келган картошка крахмалидан тайёрланган кулча нонни мунтазам қўйиб туриш керак.

➔ Жинсий соҳа, масалан бачадон ёки тухумдон яллиғланса, уни қуйидагича даволаш мумкин: 1 шишада вишневский суртмаси (100г) ва қирғичдан ўтказилган 15 гр. асалари елими аралаштирилиб, ундан шам шаклида тампонлар қилинади ва қинга қўйилади (уни олиш осон бўлиши учун тампон узун ипга қилинса, яхши бўлади). Тампон 12 соат туриши керак. Уни кечаси қўйган яхши. Тампонни қўйишдан олдин қинга мойчечак (ромашка) қайнатмаси пуркаш лозим. Даволаниш курси сурункасига 12 кун.

**Зафар САИДОВ тайёрлади.**




**485** Асли тошкентликман. **Ёшим 60 да.** Аёлим вафот этган. Фарзандларим ўз рўзғорига эга. Моддий томондан таъминланганман. 45-55 ёшгача бўлган, болалари ташвишидан қутулган ёки ёлғиз, ораста, дилкаш (иложи бўлса тошкентлик) аёл билан оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Фатхулла**

**486** Синглимнинг **ёши 23 да.** Тошкентлик. Ажрашган. Олий маълумотли. Нуфузли ташкилотда ишлайди. Бир ўғилчаси бор. Асли тошкентлик, Тошкентда яшайдиган, уй-жойли, ўқимишли, иш жойига эга кўркам йигит бўлса узатган бўлардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Баҳор**

**487** **Ёшим 24 да.** Ҳали уйланмаганман. Андижонликман. Лекин Тошкентда яшаб, шу ерда ишлайман. Баланд бўйли, келишган йигитман. Оилани моддий таъминлай оламан. Зарарли одатларим йўқ. Тошкентда қолиш ниятим бор. Шу боис 24 ёшгача бўлган, ораста, хушрўй тошкентлик қиз билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Ботир**

**488** **Ёшим 34 да.** Ишлайман. Асли қашқадарёликман. Жиддий ва самимий инсонман. 30 ёшгача бўлган, оққўнгил, пазанда, Тошкентда яшайдиган аёл билан турмуш қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Даврон**

**489** **Ёшим 45 да.** Асли тошкентликман. Ажрашганман. Ишлайман. 40 ёшгача бўлган, ўз уй-жойига эга, тошкентлик, ажрашган (бир кичик боласи бўлса майли), самимий аёлга уйланиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Сарварбек**

**490** **Ёшим 35 да.** Ажрашганман. Маълумотим олий, нуфузли ташкилотда ишлайман. Бир қизчам бор. Тошкентлик, жиддий сабаб билан ажрашган, (ёки аёли вафот этган), оилани қадрлайдиган, уй-жойи бор, касб-корли, 42 ёшгача бўлган эркак билан оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Зебо**

**491** **Ёшим 54 да.** Ажрашганман. Қашқадарёликман. Уй-жойим бор. Уй-рўзғорни, оилани қадрлайдиган, оқила, меҳрибон аёл билан танишиб оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Хушвақт ака**

**492** **Ёшим 36 да.** Турмуш ўртоғим вафот этган. Моддий томондан таъминланган аёлман. Фарзандларим бор. 45 ёшгача бўлган, (қайси вилоятдан бўлса ҳам, Тошкентда яшайдиган), уй-жойли, жиддий, фарзандларимни ўкситмасдан оталик меҳрини бера оладиган, меҳрибон эркак билан тақдирмини боғламоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Муяссар**

**493** **Ёшим 32 да.** Ҳали турмушга чиқмаганман. Тошкентда, ота-онам билан яшайман. Ишлайман. Бўйим 170 см. Келишган қизман. 45 ёшгача бўлган, (қаердан бўлса ҳам Тошкентда яшайдиган), уй-жойли, касбли, ишлайдиган, баланд бўйли, яхши инсон билан турмуш қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Хумора**

**494** **Ёшим 60 да.** Тошкентликман. Аёлим вафот этган. Бефарзандман. Ёлғиз яшайман. Уй-жойим бор. Моддий таъминланганман. 55 ёшгача бўлган, тошкентлик аёл билан танишиб оила қурмоқчиман (боласи бор аёллар безовта қилмасин).

**Манзилим таҳририятда.**

**Исмоил ота**

**495** **Ёшим 31 да.** Асли тошкентликман. Жиддий сабаб билан ажрашганман. Фарзандим йўқ. Ота-онам билан яшайман. Ҳамшира бўлиб ишлайман. Бўйим 140 см. Уй-жойли, оғир-вазмин, диёнатли, меҳрибон, касб-корли, тошкентлик, 40 ёшгача бўлган эркак билан оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Азиза**

**496** **Ёшим 41 да.** Ажрашганман. Уй-жойим бор. Баланд бўйли, келишган йигитман. Таъби нозик, дидли инсонман. Оилани қадрлайман. Хонадонимни обод қиладиган, хушрўй, оқила 35 ёшгача бўлган тошкентлик аёл билан танишиб турмуш қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Нур**

**497** **Ёшим 37 да.** Ажрашганман. Асли тошкентликман. Илмий иш билан шуғулланаман. Оилам билан ажрашиб, ҳозир ижарада яшайман. Ишлайман. Олий маълумотлиман. 35 ёшгача бўлган, уй-жойли, келишган (фарзандсиз) аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Умид**

## «ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.**

# КЕНЖАМНИНГ БАХТИНИ КЎРСАМ...

**498** - Асли тошкентликмиз. Аёлим билан 35 йил бахтли яшадик. Умри қисқа экан, тўрт фарзандимиздан биронтасининг ҳам тўйини кўрмасдан оламдан ўтди. У шўрлик болалар ташвиши оғирлигини биларди. "Дадаси, сизга жуда қийин бўлади энди. Шундай бўлса ҳам болаларим ўксимасин",-дея умрининг сўнгги лаҳзаларида менга васият қилганди,-гап бошлади ўзини Соҳиб ота деб таништирган киши.

**- У кишининг васиятини бажардингизми?**

- Худога шукр, бир қизим билан икки ўғлимни уйлантирдим. Куёвим ҳам, келинларим ҳам ройишли. Энди эса кичик ўғлимни уйлантирмоқчиман. У баланд бўйли, кўркам йигит. Жуда ҳам одобли.

**- Бу ерга келишдан мақсадингиз...**

- Ана шу кенжам масаласида келгандим. Бир пайтлар аёлим касал пайтида катта ҳовлимизни кичикроқ уйга алмаштиргандик. Иккита хонаси, айвони бор, холос. Кенжамни уйлантирсам келин икковига шу уй ҳам тор бўлиб қолади. Менга эса кичик бўлса ҳам битта хона йўқ. Агар шу ўғлимни ёлғиз қизига ичкуёв қилиши мумкин бўлган хонадон бўлса... Куёв эмас ўғил қилиб берган бўлардим...



**- Ўғлингиз ишлайдими?**

- Худога шукр, амакисининг корхонасида ишлайди, ичмайди, чекмайди. **Ёши 24 да.** Ўз фикрига эга баъмани йигит. Насиб бўлса, тўйини ҳеч кимникидан кам қилмайман. Кенжамни уйлантириб икки катта келиним каби пазанда, ораста бир қизни келин қилсам армоним йўқ эди...

***Соҳиб ота кенжа ўғлининг ҳам бахтли бўлишини орзу қилади. Эҳтимол, ёлғиз қизидан кўнгил уза олмайдиган, шу боис куёвини ўғил ўрнида қабул қиладиганлар бордир?***

***Улар учун Соҳиб отанинг манзили таҳририятда.***

* * *

**499** Таҳририятга кемтик бахтини тўлдириш илинжида кунига ўнлаб одамлар келишади.

- Исмим Назокат. Бир дилбаргина Севар исмли қўшнимиз учун бу ерга келдим...

**- Қўшнингиз ким, нима иш қилади?**

- У институтни тугатган, Тошкентдаги нуфузли бир ташкилотда ишлайди. Ўз уйи бор, бир ўғилчаси билан яшайди. Ўзига яраша тўкис рўзғори бор.

**- Севархон асли қаерлик?**

- Асли сирдарёлик. **Ёши 38 да.** Турли-туман бежирим буюмлар тўқийди. Уйи билан ишдаги хонасини анвои гулларга тўлдириб ташлаган. Агар Севархонга муносиб бир инсон бўлса... У бахтли бўлишни жудаям истайдики...

**Албатта, ҳар бир аёлнинг шунингдек, Севархоннинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққи бор. Севархон билан танишиб, оила қуришни истаган эркаклар учун унинг манзили таҳририятда.**

* * *

**500** - **Ёшим 24 да.** Исмим Давронбек. Андижонликман, балки мен тенги йигитлар сизга бу ҳақда мурожаат қилишмагандир?- дея гап бошлади кўзларидан анчагина қатъиятли эканлиги сезилиб турган йигит.

**- Нима ҳақда экан?**

- Очиғини айтганда ўз ҳаётимни қурсам дейман. Асли андижонлик бўлсам ҳам Тошкентда ишлайман. Ҳунарим бор. Бир оилани боқа оламан. Лекин...

**- Узр, ота-онангиз йўқми?**

- Кўпчиликдан бу саволни эшитавериб юрагим безиллаб кетди. Отам вафот этган, онам бор. Иккита укам ҳам бор. Улар Улуғнор туманида яшашади. Мен шаҳарга келиб ишлаб, баҳорда икки миллионча пул олиб бордим. Онам тўй қилса қийналмасин, дегандим. Онам эса у пулни ишлатиб юборибди. Қариндошлар онамга мени уйлантириш ҳақида гапиришса: "Мен уни уйлантирмайман. Майли, ўзи биронтага уйланаверсин", - дебди. Онамда орзу-ҳавас йўқлигидан .кўнглим қаттиқ ўксиди. Ахир энг ночор оиладаги дўстларимни ҳам ота-онаси етса топиб, етмаса қарз олиб қувонч билан уйлантиришаяпти. Мен эса кучим етганча ишлаб пул топиб келсам...

Ваҳоланки аҳволимиз бошқаларникидан анча дуруст. Ўйлаб сира ўйимга ета олмайман. Ахир мен ёмон фарзанд эмасман-ку.

**- Қариндошларингиз нима дейишади?**

- Баъзилари онам билан гаплашиб кўришгач, ҳафсалалари пир бўлиб ўзимизга ташлаб қўйишди. Ким билади, балки онамда ҳам айб йўқдир? Катта тўй қилмасам ҳам, кейинчалик уй сотиб оламан. Ахир ҳамма нарсага бирданига эришиб бўлмайди-ку! Ҳаётимни гапириб бериш учун таҳририятга келгандим. Нима дейсиз? Мени куёв қилишармикан?

***Азиз мухлислар, орангизда Давронбекнинг тақдирига бефарқ бўлмаган инсонлар бордир? Бундай кишилар учун Давронбекнинг манзили таҳририятда.***

**БАСИРА тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 932. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10965
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5